БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 105

6 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР партия ва ҳукумат раҳбарлари «Демократик Германия» виставкасини бориб кўрдилар (1-нчи бет).

В. М. Молотов Ҳиндистон жамоат арбоблари делегациясини қабул қилди (1-нчи бет).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ. **Ўзбекистон ССР бўйича кўпболали оналарга «Қаҳрамон она» деган фахрий унвон бериш тўғрисида** (1-нчи бет).

СССР матлубот кооперациясининг с'езди (1-нчи бет).

Назарали Ниёзов. — Ғўзани қондириб суғориш — мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шарти (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. **Т. Орипов.** — Колхоз партия ташкилотларининг ишчанлигини оширайлик (2-нчи бет).

СССР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари давлат комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советининг ижроия комитетида (2-нчи бет).

В. Савельев. — Ички резервлардан янада унумли фойдаланайлик (2-нчи бет).

Ғўзаларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳамавақт омон сақлайлик! (3-нчи бет).

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ. **Ш. Кузанбоев.** — Илғор пахтакор колхозда (3-нчи бет).

Жанва кенгаши теварагида (4-нчи бет).

СССРда атом энергияси блан ишлайдиган биринчи саноат электростанциясининг ишга туширилганлигига доир (4-нчи бет).

Меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларига жиддий э'тибор берайлик

Совет ижтимоий тузуми омманинг ижодий ташаббус кўрсатиши учун кенг йўл очиб берди, миллионлаб меҳнаткашларни социалистик давлатни актив бошқаришга жалб этди, ҳарбир совет кишисида ўз Ватанининг тақдири, мамлакатимизда коммунизм қурилишининг муваффақияти учун мас'улият ҳиссини уйғотди.

Совет кишилари хўжалик ва маданий қурилишимизнинг узлуксиз ривожланишини, она-Ватанимизнинг йилдан-йилга қудратли, обод ва ғўзал бўлишини истайдилар. Ана шунинг учун ҳам совет ватанпарварлари корхоналар ишидаги, муассаса, колхоз, совхоз ва МТС лар фаолиятидаги камчиликлар олдидан кўз юмиб ўтаолмайдилар, бегамлик, тартибсизлик ва бюрократизм блан келишаолмайдилар.

Коммунистик партия халқимизни камчилик ва нуқсонлар блан келишаолмаслик руҳида тирбияламоқда, совет кишиларини тез сур'атлар блан олдинга ҳаракат қилишга халақит берадиган ҳарқандай «қиғир-қийшиқ»ликларга қарши кескин кураш олиб боришга ўргатмоқда. Партия қўйидан қилинган танқидларни тинглаш, ҳамавақт оммани кузатиб бориш орқасида бюрократизм, қолоқлик ва ҳарқандай ножўяликларга қарши курашнинг муҳим тадбирларини белгилаб, барча совет кишиларининг куч ва энергиясини коммунистик қурилишнинг буюк вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга сафарбар этмоқда, омманинг ташаббусини ҳартарафлама қўллаб-қувватламоқда.

Меҳнаткашларнинг давлат ҳокимияти органларига эзгон хати омманинг сиёсий активлигини ифодалайди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ўзларининг бу хатларида айрим муассаса ва унинг ба'зибир раҳбар ходимлари фаолиятида содир бўлаётган камчиликларни фош қилиб, қаттиқ танқид остига оладилар, давлат ва хўжалик аппаратларини яхшилашга қаратилган ўзларининг фикр ва таклифларини изҳор этадилар, мазмунли маслаҳатлар берадилар. Ишчилар, колхозчилар, хизматчиларнинг хатлари — халқ хўжалигимизнинг келгусидаги ривожланиш, давлатимизнинг мустаҳкамланиши учун қилинаётган ғоят катта ғамхўрликдир. Бу хатлар жойларда иш қандай аҳволда эканлигидан ва қандай бораётганлигидан рўй-рост ма'лумот бериб туради. Шунинг учун барча — катта ва кичик раҳбарлар меҳнаткашларнинг хатлари блан шахсан танишишлари керак. Ҳарбир совет раҳбар ходими у қанчалик банд бўлмасин меҳнаткашларнинг хатларини ўқишга, келучиларни қабул қилиб, уларнинг шикоят ва аризаларини тинглашга вақт топабилиши керак. Хатлар блан танишиш, келучилар блан суҳбатлашиш — раҳбарлик қилучи ўртоққа жуда катта ёрдам беради, у, жойлардаги ҳақиқий аҳволдан тўла хабардор бўлиб, камчиликларни тезда бартараф қилиш ёки олдини олиш имкониятига эга бўлади, бунинг оқибатида ўзи раҳбарлик қилаётган муассасанинг ишини яхшилаш соҳасида ижобий натижаларга эришади. Ана шундай бўлишига карамасдан бизда айрим раҳбарлар меҳнаткашларнинг хатларига, уларнинг шикоятларига жиддий э'тибор бермайдилар. Ба'зи раҳбарлар эса меҳнаткаш омманинг хат ва шикояти блан умуман шуғулланмайдилар.

Калинин район, Келес пахта тозалаш заводининг ишчилари Келесда савдо-сотиқ ишлари ёмон эканлиги, савдо ходимлари қониқарсиз ишлаётганлиги ҳақида Калинин район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Не'матовга бирнеча марта сигнал бердилар, шикоят хатлари ёздилар. Аммо Не'матов завод ишчиларининг бу ҳақли шикоятларига заррача э'тибор бермади. Натижада Келесда савдо-сотиқ ишлари аввалги ёмон ҳолича давом этиб, иste'молчилар талабига мутлақо жавоб бермаётир. Бу факт ўртоқ Не'матовнинг меҳнаткаллар блан ҳисоблашишни, уларнинг шикоятларига қулоқ солишни истамаганлигини ифодалайди. Бундай раҳбарлик услуби совет давлат қонунига хилофдир.

Сталин районидаги 2-нчи Оқилонда водопровод калонкалари атиги иккита эканлиги, у ҳам бўлса ёмон ишлаётганлиги натижасида сув камчиллиги ҳақида маҳалла меҳнаткашлари район ижроия комитети ва шаҳар водоканал трести (бошлиғи ўртоқ Хўжаев)га қарийб бирярим йилдан буён мурожаат қилиб ариза ёзадилар. Лекин бу аризалар юқоридаги раҳбарларнинг столида чанг босиб ётипти, маҳалла аҳолиси ҳамон сувга чанқоқ.

Юқоричирчиқ район, Сталин қишлоқ советида яшовчи ўртоқ А. Егизбеков Жумабозор блан Янгибозор ўртасидаги бундан икки йил олдин ремонт қилинган 10 километрлик йўл қаровсизлик орқасида бузилиб ишдан чиқанлиги, транспортларнинг қатновн қийинлашганлиги, ортиқча ёнилғи сарф бўлаётганлиги ҳақида кўп марта сигнал берди. Брок бу сигналлардан хулоса чиқарилмади, кўча ҳозирга қадар тузатилгани йўқ.

Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига бефарқ қарашдан иборат бундай ярамас ҳоллар Чиноз, Янгийўл ва Сирдар'ё район ижроия комитетларининг иш услубида ҳам содир бўлмоқда. Бу районларда кишиларнинг хат ва шикоятлари бирнеча ой, ҳатто йиллаб натижасиз ётади. Ҳадеб қатнайбериб сарсон бўлган меҳнаткашлар оқибатда кимга мурожаат қилишни билмай, ўз шикоятларини марказий давлат органларига ёзабошлайдилар. Шундай қилиб бу ёзишма тамом бўлмай чўваланаберади.

Инсониятнинг улуғ ғенийси В. И. Ленин меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларига ғоят катта э'тибор берар, олинган шикоят ҳақида эртаси куниёқ маҳаллий органга телеграмма юбориб, жиддий текширишини ва кўрилган чора ҳақида унга тезда ма'лум қилинишини талаб қилар эди. Бизда айрим раҳбарлар улуғ доҳий Ленин қўллаган методни қўлланмайдилар, уларнинг дидларини бюрократизм пўпанаги босган, меҳнаткаш омма блан кўрс ва дагал муомалада бўладилар. Яна шундай раҳбарлар ҳам борки, улар кўринишдан хушчаҳчаҳ, хушмуомала, я'ни келучиларни силлиқлик блан қабул қилиб, «тўғрилайміз» деб ва'да берадилар-да, силлиқлик блан кузатадилар, аммо иш тагин бояги-боягидай ўзгаришсиз қолаберади. Бу, бюрократизм ва сансалорликнинг иккинчи хил формасидир. Бунга бутунлай чек қўйиш керак, меҳнаткашларни қабул қилишда ва уларнинг шикоят-аризаларини кўришда улуғ Ленининг раҳбарлик иш услубидан ўрганиш ва унга қаттиқ амал қилиш лозим.

Меҳнаткашлар магазин ва маданий-маиший муассасалардаги таклиф ва шикоят дафтарларига кўпгина ажойиб фикр ва маслаҳатларни ёзадилар. Афсуски, ба'зи бир раҳбарлар бу дафтарлардаги ёзувларни қунт блан кўздан кечирмайдилар, меҳнаткаш омманинг талаб ва эҳтиёжини ўрганмайдилар. Акс ҳолда ўз ишларидаги «кўзга кўринмайдиган» жуда кўп «майда-чуйда» камчиликларни билган ва унга нисбатан амалий тадбирлар белгиласи бўлардилар.

Шуни та'кидлаб ўтиш керакки, таклиф ва шикоят дафтарлари блан маҳаллий Советлар ва прокуратура органлари ҳам қизиқмайдилар. Ваҳоланки, совет қонунларининг ҳечким томонидан бузилмаслигини кузатиб бориш—бу органларнинг муқаддас вазифаларидир.

Меҳнаткашларнинг шикоятларини текшириш, уларга ёрдам бериш — депутатларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳарбир депутат совет кишисининг асосли шикояти ўз вақтида кўрилишига ва ўшанга яраша тадбир қўлланишига эришиши керак, маҳаллий Советлар уларни қўллаб-қувватлаши лозим.

Барча раҳбарларнинг, давлат аппаратидаги барча хизматчиларнинг муқаддас вазифаси, бурчи — меҳнаткашларнинг хат, ариза ва шикоятларини ҳозиржавоблик блан ҳал қилишдан иборатдир. Шуни унутмаслик керакки, ҳарбир хат, шикоят, ариза орқасида коммунизмнинг актив қуручиси — совет кишиси турадн. Унинг талаби ўз вақтида ҳаққоний равишда қондирилиши керак.

СССР ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ «ДЕМОКРАТИК ГЕРМАНИЯ» ВИСТАВКАСИНИ БОРИБ КЎРДИЛАР

Совет Иттифоқи партия ва ҳукумат раҳбарлари К. Е. Ворошилов, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар Москвада очилган «Демократик Германия» виставкасини 3 июльда бориб кўрдилар.

СССР партия ва ҳукумат раҳбарларини Германия Демократик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Аппельт жаноблари, ГДР элчихонасининг савдо маслаҳатчиси В. Банашак жаноблари ва виставка ма'муриятининг вакиллари кутиб олдилар.

К. Е. Ворошилов, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар виставкада қарийб бир ярим соат бўлиб, унда демократик тараққиёт йўлига қат'ий қадам қўйган Германия Демократик Республикаси экономикаси ва маданиятининг тез ривожланаётганлигидан яққол далолат беручи экспонатлар блан муфассал танишиб чиқдилар. (ТАСС).

В. М. Молотов Ҳиндистон жамоат арбоблари делегациясини қабул қилди

5 июльда СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш юзасидан Стокгольмда бўлган Халқаро конференциянинг ишида қатнашган Ҳиндистон жамоат арбоблари делегациясини қабул қилди. Делегация составида: тиклаш министрлигининг маслаҳатчиси, делегация бошлиғи Р. Неру хоним, Ҳиндистон парламентининг а'золари А. Сингх, С. Н. Али, Ч. Гидвани, Х. С. Матхура ва Г. С. Музафир жаноблар бор.

Делегация Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети ва Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг таклифи блан Москвага келган. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР бўйича кўпболали оналарга „Қаҳрамон она" деган фахрий унвон бериш тўғрисида

Ўн ва ундан ҳам кўп бола туққан ва тарбиялаган қўйидаги оналарга **«Қаҳрамон она»** деган фахрий унвон берилсин, **«Қаҳрамон она»** ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи топширилсин:

1. **Абдуғуминова** Менглихон — Сурхондар'ё область Шўрчи районининг колхозчиси.
2. **Аминова** Розия — Сурхондар'ё область Термиз райони, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи.
3. **Аҳмедова** Мамирхон — Андижон область Ойим районидаги «Ғайрат» колхозининг а'зоси.
4. **Григорчук** Евдокия Демидовна — Тошкент область Сирдар'ё районидаги Маленков номли колхознинг а'зоси.
5. **Давлатова** Пайкалби — Наманган область Чуст районидаги Ленин номли колхознинг а'зоси.
6. **Давранова** Дахият — Фарғона область Сўх райони, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи.
7. **Иброҳимова** Ойсанар — Қашқадар'ё область Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхознинг а'зоси.
8. **Кулишина** Мария Макаровна — Тошкент область Қўйичирчиқ районида уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи.
9. **Мирзаева** Бувиниса — Наманган область Янгиқўрғон районидаги Карл Маркс номли колхознинг а'зоси.
10. **Мирзараҳимова** Сурма — Фарғона область Қува районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси.
11. **Мўйдинова** Ибодатхон — Наманган область Чортоқ районидаги «Москва» колхозининг а'зоси.
12. **Ниёзова** Муҳаббатхон — Наманган область Тўрақўрғон районидаги Сталин номли колхознинг а'зоси.
13. **Нурматова** Амбарнисо — Фарғона область Олтиариқ районидаги «Ленинизм» колхозининг а'зоси.
14. **Пинхасова** Хусни — Қашқадар'ё область Шаҳрисабз шаҳри, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи.
15. **Сафарова** Мейлихол—Сурхондар'ё область Шеробод районидаги Киров номли колхознинг а'зоси.
16. **Сули** қизи Шохсанам — Тошкент область Ўртачирчиқ райони, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи.
17. **Тўлаганова** Обтак — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи.
18. **Умарова** Ҳури — Тошкент шаҳри, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи.
19. **Ўтаева** Ойзод — Самарқанд область Ғаллаорол райони уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи.
20. **Ҳайдарова** Фотима — Наманган область Учқўрғон райони, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи.
21. **Холматова** Гулбуви — Тошкент область Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг а'зоси.
22. **Шодиева** Сайитби — Сурхондар'ё область Термиз районидаги Сталин номли колхознинг а'зоси.
23. **Эгамова** Оминахон — Наманган область, Уйчи районидаги Ленин номли колхознинг а'зоси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил, 3 июль.

СССР матлубот кооперациясининг с'езди

3 июльда Катта Кремль Саройида СССР матлубот кооперацияси вакиллари IV с'ездининг мажлиси бўлди.

Мажлисда с'езд кун тартибидаги иккинчи модда: Центросоюзнинг 1954 йил 1 январьгача бўлган балансини ва ревизия комиссиясининг бу баланс ҳақидаги хулосасини тасдиқлаш масаласи муҳокама қилинди. Докладчилар Г. А. Боков ва И. Т. Нефедов Центросоюзнинг ҳамма савдо бошқармалари 1953 йилги товар обороти ва фойда планларини бажарганликларини айтдилар. Товар обороти бундан аввалги йилдагига нисбатан 18,7 процент ўсган.

Докладчилар ва музокарада сўзга чиққан кўп делегатлар бош бошқармаларининг ишидаги бирқанча жиддий камчиликларни қайд қилиб ўтдилар. Товар сотиш вақтида кооперация а'золари учун бирқанча имтиёзлар белгилаш, маданий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва бошқа шу каби йўллар блан кооперация а'золарининг манфаатдорлигини ошириш ҳақида бирқанча истаклар билдирилди.

С'езд 1954 йил 1 январьгача бўлган Центросоюз балансини қарийб уч миллиард сўм ва фойдасини 213,5 миллион сўм миқдорида тасдиқлади.

Центросоюзнинг 1953 йилда қилган фойдасини тақсимлаш тартиби ҳам тасдиқланди. Маданий ишлар фондига, кадрлар тайёрлаш соҳасида марказлашган тартибда ўтказиладиган тадбирларга маблағ чиқариш анча кўпайтирилади.

Сўнгра с'езд РСФСР матлубот жамиятлари союзи (Роспотребсоюз) ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Россия Федерациясидаги матлубот кооперациясининг бутун ташкилий, савдо-сотиқ, хўжалик-молия ва тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилиш РСФСР матлубот жамиятлари союзига юкланади. РСФСР матлубот кооперациясининг ташкилотлари учун белгиланган ҳамма товар ва материаллар фондларини планлаштириш, тақсимлаш ва сотиш иши ҳам Роспотребсоюзга юкланади. С'езд Центросоюз правлениесига РСФСР матлубот кооперациясининг таъсис қилучи республика с'ездини чақириши топширди.

Сўнгра с'езд Центросоюзнинг уставига ба'зи ўзгартиришлар киритишга қарор қилди. Матлубот кооперацияси вакилларининг Бутуниттифоқ с'ездига вакиллар сайлашнинг янги нормаси — ҳар 25 минг пайчидан бир делегат қилиб белгиланди.

С'ездда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Савдо министри А. И. Микоян катта нутқ сўзлади.

5 июльда с'езд ўз ишини давом этдирди. (ТАСС).

ҲУНАРМАНДЧИЛИК КООПЕРАЦИЯСИ ХАЛҚ ИСТЕ'МОЛ ҚИЛАДИГАН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРМОҚДА

СССР ҳунармандчилик кооперацияси халқ иste'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда ва ишлабчиқаришда жорий қилинмоқда. Бу йил мебель, металлдан буюмлар ва тикучилик саноатида 1500 дан кўпроқ ҳархил буюмларни тайёрлашнинг технология процесслари қайтадан кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди. 400 та янги буюмлар: кир ювиш машиналари, фото анжомлари, радио карнайлари, болалар велосипедлари ва бошқа буюмларнинг технология процесслари ишлаб чиқилди.

Центропромсовет ва маҳаллий кооператив ташкилотлари магазинларга юқори сифатли моллар етказиб берилиши учун чоралар кўрмоқдалар.

Аҳоли ўртасида талаб қилинмайдиган моллар ишлаб чиқарилмайди. Кўрикларда танлаб олинган буюмлар ишлабчиқаришда жорий қилинади. Ҳозирги вақтда белгиланган тартибга мувофиқ янги буюмларнинг намуналари тегишли кооператив ташкилотларининг бадиий кенгашлари томонидан танлаб олинган ва савдо ташкилотлари томонидан қабул қилинган тақдирдагина уларни ишлаб чиқаришга рухсат берилади.

„Новая Колхида" землесослари

ПОТИ, 3 июль. (ТАСС). Поти заводи «Новая Колхида» Туркманистонга бирқанча землесослар юборди. Бу машина ҳархил гидротехника иншоотлари қурилишида, пахта далаларида суғориш каналлари қазишда кенг қўлланилмоқда. «Новая Колхида» землесосида 4—5 киши ишлайди, аммо у 800—1.000 кишининг ишини бажаради.

Заводда об-ҳаво иссиқ бўлган шароитда ишлаш учун мувофиқлаштирилган землесос ишлаб чиқарилабошлади. Бу агрегатнинг қопламаси металлдан эмас, балки ёғочдан ишланади ва унинг машина бўлими кенгроқ қилинади.

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИНИНГ БИР ГРУППА ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғида экскаватор заводи коллективининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари ўртоқ В. С. Содиқова мингинчи экскаватор ишлаб чиқарилганлиги муносабати блан корхона ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимларининг катта бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғини топширди.

Мукофотланганлар номидан мастер В. С. Азимов, шлифовщик Л. П. Севохина, слесарь Н. И. Шерягин ўртоқлар сўзладилар.

Ўртоқ Содиқова мукофотланганларни қизғин табриклади ва уларга ўз ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).



Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг тажрибали пахтакори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сталин мукофоти лауреати **Назарали НИЁЗОВ.**

Ғўзани қондириб суғориш—мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шарти

Ҳозирги кунларда мўл ҳосил учун курашнинг мас'улияти даври тўмоқда. Бу даврдаги асосий вазифа—ҳар туп ғўзани кўпроқ шоналатиш, шонанинг тўкилишига йўл қўймаслик, гуллатиш ва мева тугдиришдан иборат бўлиши керак. Бунинг учун ғўза парваришидаги барча ишлар ўз вақтида ва бир-бирига боғлаб борилиши шарт. Ғўзани қондириб суғориш ғоят муҳимдир. Ўни ўз вақтида суғорганда, ўсимлик озиқдан толиқмайди, ёзнинг қаттиқ иссиғидан қойимайди, бақувват бўлиб ўсиб, касаллик ва зараркунандаларга бардоши ортади — мўл ҳосил тўплайди.

Тўғри суғоришнинг бир шарти шуки, суғоришда берилган сув блан ернинг намлиги ғўзанинг талабидан ошиб кетмасин, иккинчи шарти шуки, сув кам берилиб ғўза қонмай қолмасин. Бунинг учун ғўзани суғоришда унинг намга бўлган талабини, участка тупроғининг хусусиятини, ернинг паст-баландлигини, ерости сувининг юза ёки чуқур турини кабиларга қат'ий э'тибор қилиш керак. Бизнинг Ворошилов номли колхозда ғўза ана шу юқоридаги муҳим шартларга амал қилинган ҳолда суғорилмоқда. Колхознинг пахта майдони табиий тузилиши жиҳатидан турлича, қисман ерлар текисроқ бўлса, кўпчилиги қия-текислик. Бу ерларда ғўзани қондириб суғориш учун сувчиларнинг ниҳоятда уста бўлиши керак. Биз ернинг шу хилдаги аҳволига қараб ҳарбир участкада суғориш эгатларининг йўналиши, узун-қисқалигини, эгатга қўйиладиган сув оқимининг даражасини аниқлаб оламиз. Масалан, агар ер текис бўлса эгатлар узунлиги 50 метр чамасида бўлади. Лекин қиялик жойларда эса нишаблик даражасига қараб эгатларнинг узунлиги 150 метргача етказилади. Шунда эгатга қўйилган сув мўлжалдаги вақтда этаклайди ва тупроқ текис намланади.

Эгатга қўйиладиган сув оқимининг оз-кўплиги ҳам ернинг паст-баландлигига қараб тақсимланади. Ма'лумки, эгатга сувни кўп миқдорда қўйиб бўлмайди, чунки бу ҳолда кўпинча пуштани сув ювиб кетади, эгат ичини ялаб ундаги озиқли тупроқни даладан олиб кетади, бунинг устига ер яхши намланмайди. Натижада ғўза яхши ўсмайди, ҳосил камаяди. Шунинг учун биз ғўзани суғоришда эгат бошига чим босиб сувни жилдиратиб қўямиз. Текис ерларда сув бироз кўпроқ, ер қанча нишаб бўлса сув шунча камроқ қўйилиши керак. Эгатга қўйиладиган сув ҳар жойнинг ўзига қараб шу хилда созланса сув исроф бўлмайди, сув этаклагунча ернинг ғўза илдизлари жойлашган қавати текис намланади. Шунинг учун бизда сувнинг кўп қисми оқовага чиқарилмайди.

Узилиш бўлмаслиги учун ғўзани кечаси ҳам суғориш керак. Шунда сув қўйилган пайкал бирйўла қўлдан чиқади.

Ворошилов номли колхозда 60 сувчи бор. Буларнинг ҳаммаси кўп йилдан бери сувчилик қилиб, анча тажриба ортдирган. Звено бошлиқларидан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Тилла Туронов энг тажрибали сувчилардан ҳисобланади.

Ғўза қондириб суғорилгандан кейин ер етилиши блан даврий культивация ўтказиш керак. Ғўза шу кунларда қониб сув ичса, ҳосил 15 кун илгари етилади, қониб сув ичмаса, ундаги ҳосил кеч етилади. Хом кўсакнинг бир қисми дастлабки совуқда нобуд бўлади.

Ғўзани суғориш нозик ва э'тиборни кўп талаб қиладиган иш. Суғоришни тўғри ва агротехника қоидалари асосида ўтказиш — пахта мўл ҳосили учун курашнинг энг муҳим шартидир. Ана шунга амал қилиб, барча майдонлардаги ғўзани қондириб суғориш блан экиннинг яхши ва соғлом ривожланишига эришайлик.

Назарали НИЁЗОВ,

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг тажрибали пахтакори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сталин мукофоти лауреати.

Зараркунандаларга қарши жиддий кураш олиб борилмаётир

БЕКОБОД. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**) Будённий номли колхоз Бекобод районидаги энг йирик пахтакор колхозлардан бири ҳисобланади. Колхоз а'золари бу йил 1537 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар.

Лекин колхозда ғўзалар олинган мажбуриятга яраша сифатли парвариш қилинмаётир.

Чопиш, суғориш, озиқлантириш, культивация қилиш ишлари графиги бажарилмаётир. Бригадаларда ишлаш лозим бўлган кишиларнинг ҳаммаси ишга тўла сафарбар этилмаган. Ишга чиқиш, ишдан қайтиш тўғрисидаги кун тартиблари, нормаларнинг бажарилиши ва ишнинг сифати устидан ҳеч қандай контрольлик йўқ. Ғўзаларни озиқлантириш ишларида ҳам тузук тартиб жорий қилинмаган. 8 та СУЗ дан 2 таси бузилиб ётипти.

Ўролова, Қутлиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахта майдонларида шира, ўргимчаккана тарқалган. Ғўза ораларида, зарпечак ҳам бор. Шунга қарамай зараркунандаларга қарши кураш жуда суст олиб борилаётир. Эндигина 20 гектар ердаги ғўзалар дорилланган. Колхознинг 8-нчи, 7-нчи бригадаларида эса ҳашарот ва зарпечакларнинг манба'и бўлган ёвотлардаги ўтлар ҳалигача тарашланмаган.

Колхоз технини ўртоқ Р. Кенжаев ишни яхши ташкил этмаганидан зараркунандага қарши кураш отрядида ишлаётган 8 кишининг кўп вақти бўш ўтаётир. Дори ташиш ва бошқа ишлар учун отрядга от, арава берилмаган.

Колхоз правлениеси курашни қизғин тиб юбориш учун барча тадбирларни кўриб, ғўза зараркунандаларини тезда қириб ташлаши лозим.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Колхоз партия ташкилотларининг ишчанлигини оширайлик

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг очиқ партия йиғилишида ғўза қатор ораларини ишлашнинг бориши муҳокама қилинган ва жиддий камчиликлар очиб ташланган эди. Сўзга чиққан коммунистлар партия ташкилоти секретари Ўртоқ Зариповнинг иш методини қаттиқ танқид қилдилар.

— Парткомимизнинг секретари, — деди Ўртоқ Жалолов, — бригадаларда бўлмайди, колхозчилар блан суҳбатлашиб, ишни пухта ташкил қилишга ёрдамлашмайди. У идорадан чиқмай ма'лумотлар тўплаш блан банд бўлади. Даладаги ҳақиқий аҳволни билмайди.

Партия йиғилишида бўлган Ўринли танқидлардан Ўртоқ Зарипов тегишли хулоса чиқармади. У ҳамон кўп вақтини идорада—бир жойда ўтириб топшириқлар бериш, ма'лумотлар тўплаш блан ғанимат кунларни самарасиз ўтказмоқда.

Колхоз пахтачилик соҳасида жиддий хатоларга йўл қўйди. Ўтган йили ҳар гектар ердан олинган ҳосил 18 центнердан ошмади. Бу йил эса хатолар яна такрорланмоқда. 1240 гектар пахта майдонидаги ғўзаларнинг ўсиши ўтган йилдагидан 16—18 кун орқада қолган. Ҳолбуки, бу йил ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил ўтган йилдагидан 8 центнердан оширилиши керак. Ғўза парваришнинг борши олинган мажбуриятнинг бажарилишни хавф остида қолдирмоқда. Ҳали ғўзага иккинчи ишлов бериш тугаллангани йўқ. Суғориш, ўғитлаш, культивация қилиш юзасидан белгиланган график системали бажарилмай келаётир.

Колхоз хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам иш дуруст эмас. Беда, хашак ўриш ва жамғариш ҳаддан ташқари сусткашлик блан бормоқда. Беда ўриш плани эндигина 32 процент бажарилди. Ҳали биринчи ўрим тугалланган йўқ. Ем-хашак тайёрлаш ишига коммунист ўртоқ Абдуллаев бошчилик қилади. Партия йиғилишида хашак тайёрлашнинг бориши қониқарсиз эканлиги кўрсатилган эди. Шундан буён ўн кун вақт ўтди, аммо хашак ўриш ва жамғариш ишида сезиларли ўзгариш бўлгани йўқ. Хашак ўриш ва жамғариш юзасидан белгиланган график ўтган ўн кунликда 48 процент бажарилди, холос.

Партия ташкилоти хўжалик вазифаларини партиявий-сиёсий ва оммавий-сиёсий ишлар блан боғлаб олиб бормаётир. Колхоз хўжалигининг энг муҳим тармоқлари—пахтачилик ва чорвачилик соҳасидаги рўй бераётган нуқсонларнинг асосий сабаби ҳам шу! Колхозда меҳнат унумини ошириш, техникадан, от-улов кучидан ва ишчи кучидан тўла фойдаланишда жуда катта камчиликлар бор. Бригадалар, звенолар ўртасида социалистик мусобақа расмият учунгина ташкил қилинган. Йил бошидан буён бирор марта социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши текширилмади. Бу масала партия йиғилишида муҳокама қилинмади. Бригада бошлиқлари звено бўлиб ишлаш принципини системали равишда бузмоқдалар. 1-нчи участкага қарашли 8,9 ва 2-нчи бригадаларда звенолар ташкил қилинмаган, ер участкалари аҳратиб берилмаган. Ҳамма ёппасига ишлайди. Меҳнатни ташкил қилишдаги хатолар бригадаларда ғўза парваришининг орқада қолишига сабаб бўлмоқда.

Партия ташкилоти ишидаги яна бир жиддий нуқсон-колхозчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларнинг кучайтирилмаганлигидир. Агитаторлар иши устидан ҳеч қандай назорат йўқ. 24 июньда бўлган партия йиғилишидагина мактаб ўқитучиларининг бир қисми бригадаларга агитатор қилиб тасдиқланди. Аммо бу ўқитучилар ёзги дам олиш ёки бошқа шаҳарларга ўқишга кетиб қолганлар. Бирон агитатор ҳали ҳам ишга киришгани йўқ.

— Мени 9-нчи бригадага агитатор қилиб тайинлашган, — дейди бригада табелчиси Ўртоқ Жонтоев, — лекин нима қилишимни ўзим билмайман. Бизнинг бригадага газета келмайди. Колхоз марказидан узоқдамиз, мажлисларга ҳам бораолмаймиз...

Колхознинг Ровот участкасидаги 9-нчи бригадасида оммавий агитация ва сиёсий-тарбиявий ишлар ана шундай ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу бригададаги колхозчилар анча вақтдан буён бирон кинофильм, концерт, театр ва бошқа тамошалар кўрганлари йўқ, дала шийпони жиҳозланмаган. Бу ерда радио ҳам йўқ. Партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Зарипов бу бригадага кўпдан бери келган эмас...

Жданов номли колхоз жойлашган Саид қишлоқ совети шароитида аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни системали олиб бориш жуда муҳимдир. Қишлоқда маданий-оқартув муассасаларининг тармоқлари бор. Қишлоқ марказида кутубхона, алоҳида ўқишхона ҳам ташкил қилинган. Маданий-оқартув муассасаларининг бу тармоқларидан жуда кенг фойдаланиш мумкин, лекин партком Ўртоқ Зарипов бундай «майда» ишлар блан шуғулланишга вақт тополмайди. Кутубхонадаги китоблар йиртилиб, чанг босиб, тартибсиз ҳолда шкафда ётипти. Кутубхонага ўн нусхадан ошиқ ҳархил газета, журналлар келади, лекин буларнинг бирор сонини қидириб топиб бўлмайди. Колхоз клуби ҳам маданий-оқартув ишларининг марказига айланмаган. Клуб мудири Ўртоқ Жонқулов колхоз раиси Ўртоқ Эшмуҳамедовнинг буйруғи блан ишдан бўшатиб юборилганидан буён клуб иши блан ҳечким шуғулланмайди.

Партия ташкилоти колхоз комсомол ташкилотининг иши блан мутлақо қизиқмай келади. 6 ойдан буён комсомол йиғилиши ўтказилгани йўқ. Комсомол ташкилотининг секретари Ўртоқ Жонқулов бригадада табелчилик иши блан банд эканлигини рўкач қилиб, комсомол ишини бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Пискент районидаги Жданов номли колхоз партия ташкилоти каттагина кучга эгаси. Унинг ҳисобида 34 коммунист ва партия кандидати бор. Колхозда 50 га яқин комсомол а'зоси бор, лекин партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларда комсомол кучидан фойдаланмайди. Шверник номли, Ворошилов номли колхоз бошланғич партия ташкилотлари ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда колхозчиларнинг ҳаракатига бошчилик қилмаётирлар.

Пискент район партия комитети (секретари Ўртоқ В. Латипов) колхоз бошланғич партия ташкилотлари ишига ишчил раҳбарлик қилмаётир. Райком секретарлари, бўлим мудирлари ва инструкторлар колхозларда кўп бўладилар, аммо улар партия ташкилотининг иши блан қизиқмайдилар, хўжалик вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши учун партиявий-сиёсий ишларни кучайтиришга э'тибор бермайдилар.

Пискент район партия комитети қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги бу нотўғри методдан воз кечиши, колхоз бошланғич партия ташкилотларига конкрет, амалий раҳбарлик қилиш блан сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга эришиши керак.

Т. ОРИПОВ.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



Суратда: Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозида қурилган янги ясли биноси.
И. Глауберзон фотоси.

ШАҲАР ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДАН

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ АРИЗА ВА ШИКОЯТЛАРИГА ЖИДДИЙ Э'ТИБОР БЕРАЙЛИК

Партия XIX с'езди танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга кўпроқ аҳамият бериш зарурлигини кўрсатди. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига ўз вақтида э'тибор бериш қўйидан қилинадиган танқидни кучайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Лекин ҳали шундай раҳбар ходимлар ҳам борки, улар ўз ишларига юзаки қараб, жойлардан келган ариза ва шикоятларга бюрократларча муносабатда бўладилар, уларга ўз вақтида жавоб қайтармайдилар.

«Новий путь» газетасининг яқиндаги бир бошмақоласида ёзилишича, Янгийўлнинг бир қатор идора ва ташкилотларига келган ариза ва шикоятлар ўз вақтида кўрилмаётир. Шаҳар уйжой бошқармасида, соғлиқни сақлаш ва савдо бўлимларида ариза ва шикоятларга бюрократларча муносабатда бўлиш фактлари ҳамон давом қилмоқда.

«Коммунизм» колхозидаги медицина пунктининг ёмон ишлаётгани тўғрисидаги шикоят икки ойдан бери район соғлиқни сақлаш бўлимида оқибатсиз ётипти. Ошхона ва ресторанларнинг қониқарсиз ишлаётгани ҳақида берилган сигналлар ҳам савдо идораларидаги айрим ходимларнинг айби блан ҳаракатсиз қолиб келмоқда.

«Бундай фактларга, — деб ёзади газета, — асло чидаш мумкин эмас. Партия ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари, совет аппарати ходимлари ҳарбир хатни принципиал равишда текширишлари, ommaning сигналларига сезгирлик блан қулоқ солиб, хатлар блан ишлаш масалаларини партия мажлисларига қўйишлари керак».

«Новий путь» газетаси ариза ва шикоятларга бюрократларча муносабатда бўлаётган ташкилотларни кўрсатган бўлсада, лекин бу ташкилот раҳбарларининг фамилияларини кўрсатиб қаттиқ танқид қилмаган. Ариза ва шикоятларга қулоқ солмаётган, қўйидан бўладиган танқидни бўғаётган бюрократ раҳбарларни дадиллик блан рўй-рост танқид қилиш керак!

КОНЧИЛАР ШАҲАРИ ОБОД БЎЛМОҚДА

Бекобод металлургчилари, Оҳангарон кончилари ишлабчиқаришда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш учун ўзаро социалистик мусобақа боғлаганлар. Ишчилар бир-бирларининг ишлабчиқаришда қандай ғалабаларга эришаётганликларини хат, матбуот орқали билиб турмоқдалар. Бу шаҳарларда чиқаётган **«Социалистический Бегобат»** ва **«Шахтёр Узбекистана»** газеталари металлург ва кончиларнинг эришаётган ажойиб ғалабалари ҳақида ёзиб турмоқда.

Бекобод шаҳар газетасининг кейинги сонларидан бирида мусобақадош Оҳангарон кончиларининг шаҳарчасида олиб борилаётган катта қурилишлар ҳақида хабар берилади. Яқинда ишчилар шаҳарчасида катта ресторан биноси фойдаланишга топширилган. Икки ярим миллион сўмдан ортиқ пул сарфланиб қурилаётган «Шахтёр» маданият Саройи шу ойда битказилади. Бу ерда икки қаватли иккита ўрта мактаб биноси қурилмоқда. Ҳозир 110 кровать сиғадиган уч қаватли касалхона биноси қурилиши тугалланмоқда.

Шаҳарда кончилар учун турар-жой биноси қуриш ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу ерда социалистик шаҳарчалар, ишчилар поселкалари вужудга келмоқда. Ишчилар шаҳрининг ўртоқлар технология процессини қўлланиш ишига бефарқ қараб келмоқдалар. Илгор методларни жорий қилиш ишлари ҳам жуда суст ишлаб кетган. Тошкент темирйўлчилари Сталин мукофоти лауреати инженер Мамедовнинг янги юк ортиш методига зўр қизиқиш блан қарайдилар. Бу метод бундан бир неча йил илгари Тошкент-товар станциясида, Чирчиқ станциясида ва бошқа станцияларда қўлланилган эди ва бу метод вагонларнинг бекор туришини қисқартиришда яхши натижалар берган эди. Эндиликда эса, бу илгор метод қўлланилмаётир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, темир йўл Тошкент бўлимида илгорлар методини жорий қилиш ҳақида кўп гапиришни яхши кўрадилар, новаторларни мақтайдилар, аммо темирйўлчиларнинг ижодий ташаббуслари блан вужудга келган янгиликларни жорий қилишда жуда оз иш олиб борадилар.

Темирйўлчиларнинг Бутуниттифоқ кенгаши темир йўл ходимлари олдига катта вазифаларни қўйди. Темир йўл Тошкент бўлими шу асосда ўз ишларини қайтадан қуриш учун барча тадбирларни кўриб келмоқда.

Сўнгги вақтларда партия ва ҳукумат халқ иste'мол молларини янада кўпайтиришга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилди. Шундай экан, юкларни ўз вақтида етказиш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўтган йили биз нинг йўл бўлими юкларни ўз вақтида етказиб бераолмаганлиги сабабли, икки миллион сўмдан ошиқроқ, биргина шу йилнинг ўтган ойларидагина 300 минг сўмдан ошиқроқ штраф тўлади. Юкларни вақтида етказиб бермаслик ҳоллари кўпинча Урсатьевск ва Тошкент товар станцияларида учраб туради. Юк ташиш ишларини бир ме'ёрда ташкил қилиш масаласига ҳам бу станцияларда етарли аҳамият берилмаётир.

Айрим корхона ва ташкилотлар давлат манфаатларини эсдан чиқариб, вагонларга ноўрин юкларни ортишни талаб қилмоқдалар. Жумладан: май ойида «Узбекбирлашув» мотоциклларни Омск ва Томск йўлларига олиб бориш учун 21 та вагонга заявка берган. Шунингдек «Узбекрасмасло» трести Намангандан Горькийга камнедробилкаларни жўнатиш учун вагон талаб қилган. «Узбеквино» эса Кауфманск станциясидан 20 вагон маҳсулотни Закавказье ва Одесса, Кишинёв йўлларига жўнатишни талаб қилган. Юқоридаги ташкилотларга вагон бериш рад этилди. Лекин бу ташкилотларнинг ноўрин юкларни ташиш учун қилган талаблари ба'зибир раҳбарларнинг темир йўл ресурсларидан фойдаланишга-ҳали ҳам давлат манфаатлари нуқтаи-назардан қарамаётганлигини кўрсатади.

Халқ иste'мол молларини кўпроқ ташишда контейнерлардан яхши ва унумли фойдаланиш ҳам муҳим резервлардан бири ҳисобланади. Контейнер парклари-нинг кўпайиши ва контейнер юк ташиш ишларининг ошишига қарамай, юк ташиш плани шу йилнинг биринчи ойларида бажарилмади. Контейнерларнинг ўртача миқдорда бекор туриб қолишлари нормадагидан ошиқча бўлиб кетди.

Контейнерларда юк ташиш йилдан-йилга ривожланмоқда, бу хил юк ташиш транспорт харажатларининг камайтиришда, халқ кенг иste'мол қиладиган молларни ташишни тезлатишда катта аҳамиятга эгадир. Темирйўлчилар клиентлар блан узвий алоқада бўлиб, контейнерлардан фойдаланишни яхшилашлари керак.

Йўл коллективи вагонларнинг тортиш кучидан янада унумли фойдаланиш учун курашишлари лозим.

Пахта, тўқимачилик матолари ва бошқа шу каби маҳсулотлар ташиладиган юкларнинг кўп қисмини ташкил қилади. Шунинг учун мана шундай юкларни ташиётган вагонлардан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Бирнеча йил муқаддам пахта, пахта толаси ва ураглик чигит каби енгил юкларни вагонларга ортишда ихчамлаштириш методи қўлланилган эди. Ҳозир ҳам бу маҳсулотларни юклашда ихчамлаштириш методидан унумли фойдаланилмоқда. Фақатгина ўтган йилнинг ўзидагина юк ортишни ихчамлаштириш ҳисобига 13 минг тонна қўшимча пахта ташилди, бу эса мингга яқин вагонни бўшатиш имкониятини берган. Бу соҳада ҳам фойдаланиш мумкин бўлган катта резервлар бор. Яқинда Андижон станциясининг юк ортучиси Ўртоқ Вишегородцев пахта тозалаш заводи юк ортучилар бригадири Ўртоқ Комол Одинаев блан пахта толасини ва шунга ўхшаш юкларни жойлаштиришнинг янги усулини ишлаб чиқдилар.

Агар барча вагонларга юк ортишда Вишегородцева усули қўлланилса, пахта ташишда 10 мингдан ортиқ вагонни тежаш имконияти туғилади. Шунинг учун пахта толасини жойлашда илгорлар усулидан фойдаланиш ва барча юкларни ихчамлаштириш методи асосида юклаш, йўл ишчилари олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозир темирйўлчилар Кремльда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ темирйўлчилар кенгаши қатнашчилари ва илгор темирйўлчилар томонидан олинган мажбуриятни бажариш мақсадида янги куч, янги ғайрат блан ишламоқдалар.

Резервлардан яхши фойдаланишда, поездлар ҳаракатини тезлатиб, юк ташиш миқдорини оширишда, янги методларни қўллаш устида кўпгина машинистлар, диспетчерлар ва бошқа йўл ходимлари астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ўрта Осиё республикаларига хизмат қилучи Тошкент темир йўл магистрали коллективи Ватан олдидаги ўз мас'улиятини яхши сезгани ҳолда барча куч ва воситаларни ички резервлардан тўлиқ фойдаланишга, партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни шараф блан бажаришга ва Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунини меҳнатда янги муваффақиятлар блан кутиб олишга сафарбар қилади.

В. САВЕЛЬЕВ,
Тошкент темир йўли бошлиғининг ўринбосари

СССР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари давлат комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советининг ижроия комитетида

СССР Министрлар Советининг топшириғи блан СССР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари давлат комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Советининг ижроия комитети улуғ доҳийлар — Владимир Ильич Ленин ва Иосиф Виссарионович Сталининг, шунингдек Коммунистик партия ва Совет давлати отоқли арбобларидан Қизил майдондаги Кремль девори ёнида кўмилган кишиларнинг хотираларини абадийлаштириш мақсадида Москва шаҳрида қурилаётган Пантеоннинг — Совет мамлакатидаги улуғ кишилар абадий шуҳрати ёдгорлигининг энг яхши проекти учун очиқ конкурс э'лон қиладилар.

Москва шаҳрида қуриладиган Пантеон — Совет мамлакати улуғ кишилари абадий шуҳрати ёдгорлигининг энг яхши проекти учун э'лон қилинган конкурснинг ПРОГРАММАСИ ВА ШАРТЛАРИ

1. Пантеон Москва шаҳрининг Ғарби-Жанубий районидаги Ленинские гори территориясида, Москва давлат университети янги биносидан 3,5 километр жанубдаги ерда қурилади.

2. Пантеон — Совет мамлакати улуғ кишилари абадий шуҳратининг ёдгорлиги оддий, монументаль ва улуғвор бўлиши лозим.

Пантеон ҳажми 80 минг кубометрдан ошмаслиги лозим.

Пантеонни қуриш ва пардозлаш учун юқори сифатли ва узоққа чидайдиган материаллар қўлланилиши зарур.

3. Проектда Пантеон атрофида мемориаль парк ва Пантеонга олиб келадиган қулай йўллар вужудга келтирмоқ учун табиий шароитдан фойдаланиш кўзда тутилиши лозим.

4. Пантеонда қуйидагилар бўлиши керак:

а) зал, бу залда В. И. Ленин жасади солинган саркофаг (тобут) ва И. В. Сталин жасади солинган саркофаг қўйилади.

Саркофаглар шундай ўрнатилиши лозимки, меҳнаткашлар ташкилий равишда ўтаётганларида уларни бемалол кўраоладиган бўлсинлар;

б) Коммунистик партия ва Совет давлатининг отоқли арбобларидан Қизил майдондаги Кремль девори ёнида кўмилган кишиларнинг ҳокилари солинган идишлар ва жасадлари келтирилиб қўйиладиган бир ёки бирнеча зал;

в) цоколь қаватида ёрдамчи бинолар ва санатория-техника ускуналари учун бинолар.

5. Конкурс қатнашчилари Пантеон проектларини қуйидаги составда тақдим қиладилар:

бош план — масштаби 1:1000

қаватларнинг планлари — масштаби 1:200

кесимлар — масштаби 1:200

фасадлар — масштаби 1:200

бино сиртқи кўриниши ва интерьерининг перспективалари (ҳаммаси бўлиб учтадан ошмаслиги керак)

тушунтириш хати.

Эскартиш: подрамникларнинг ҳажми 1,0x1,25 м. дан ошмаслиги лозим.

6. Конкурс проектлари печатланган конвертлар илова қилинган ҳолда девизлар қўйиб тақдим этилади (конвертларда ҳам проект девизларининг ўзи бўлиши лозим), конвертларнинг ичига авторларнинг фамилиялари, номлари, оталарининг номлари ва адреслари тўғрисидаги ма'лумотлар ёзилган бўлиши керак.

7. Конкурс проеклари Москва шаҳар ижроия комитетига — Москва, Горький кўчаси, уй номер 13—1954 йил 1 ноябрдан кечиктирилмай тақдим этилиши ҳамда проеклар учун девиз ва проект қачон топширилганлиги ёзилган квитанция олиниб, топширилиши лозим.

Бошқа шаҳарлардаги авторлар ўз проектларини 1954 йил 1 ноябрьдан кечиктирмай юборадилар, шу проектларни юборганликларини та'кидлаб ўша кунлёқ Москва шаҳар ижроия комитетига (Москва, Моссоветнинг ижроия комитетига) девизни ҳамда проект почта бўлимида қабул қилиб олинганлиги тўғрисида берилган квитанциянинг номерини кўрсатиб телеграмма юборадилар.

8. Конкурсга тақдим қилинган энг яхши Пантеон проектлари учун қуйидаги мукофотлар белгиланади:

биринчи мукофот — 50 минг сўмлик;

иккита иккинчи мукофот ҳарбири — 30 минг сўмлик;

иккита учинчи мукофот — ҳарбири 20 минг сўмлик

ва рағбатлантиручи ўнта мукофот — ҳарбири 10 минг сўмлик.

9. Конкурс натижалари ва мукофотланган проектлар авторларининг фамилиялари матбуотда э'лон қилинади.

10. Конкурс жюрисининг составини СССР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари давлат комитети ва Москва шаҳар ижроия комитети томонидан тасдиқланади.

Пантеон қуриладиган жойнинг характерини кўрсатиб берадиган материалларни олмоқ учун Москва шаҳар ижроия комитетига мурожаат қилинсин.

Очиқ эшиклар куни

Яқинда Тошкент юридик институти дирекцияси, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ўрта мактабни тамомлаган ўқучилар учун очиқ эшиклар куни ўтказди. Шу муносабат блан чақирилган йиғилишга Тошкент шаҳридаги бир қатор ўрта мактабларни тамомлаб чиққан ўқучилар, шунингдек институтнинг профессор-ўқитучилар коллективи, аспирантлар, студентлар қатнашдилар.

Йиғилишда институт партбюросининг секретари, юридик фанлари кандидати А. А'замхўжаев доклад қилди. У ўз докладида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг ма'лумотли ва маданиятли киши бўлиб етишишлари тўғрисида қилаётган беминҳо катта ғамхўрликлари ҳақида гапириб, ўрта мактабни тамомловчиларни институт ҳаёти блан батафсил таништирди. Шунингдек йиғилишда 2-нчи курс студенткаси, Сталин стипендияти С. Мадраҳимова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш охирида институт бадиий ҳаваскорлик тўғараги коллективининг кучи блан «Юрак сирлари» спектакли қўйиб берилди.

А. ЧИНТОШЕВ.

Тошкент темир йўли транспорти инженерлари институтида ўтказилган очиқ эшиклар кунида шаҳардаги бирқанча мактабларнинг 10-нчи синфини тамомлаган ва етуклик аттестати олган ўқучилар институтнинг ўқитучи-профессорлари, студентлари блан учрашдилар. Ўрта мактабларни тамомлаган ўқучилар институт кафедраларининг иши, яхши жиҳозланган лаборатория ва тажриба кабинетлари блан таништилар. Улар айниқса химия, металлар технологияси лабораторияларини ҳамда сигнализация, геология, электр машиналари, паровоз қурилиши ишларини механизациялаш кабинетларини гоят зўр қизиқиш блан тамоша қилдилар.

Институт ўқитучи-профессорларидан Транспорт экономикаси кафедрасининг доценти Беленский, электр темир йўллари кафедрасининг мудири доцент Кац, конструкция кафедрасининг доценти Воронов, шунингдек бошқа кафедраларнинг лаборантлари ўрта мактабни тамомлаган ўқучилар блан институт ҳаётига доир қизиқарли суҳбатлар ўтказдилар.

З. ОРИПОВ.

Октябрь район хотин-қиз активларининг йиғилиши

Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитети хотин-қиз активларининг йиғилишини ўтказди. Йиғилишда район партия комитетининг секретари Ўртоқ Қобилова «Аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда хотин-қиз активларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Актив йиғилишида МПС заводининг илғор ишчиси Равзоқова, «Қизил юлдуз» артелининг цех бошлиғи Орипова, хизмат кўрсатган ўқитучи Ғуломова, 3-нчи бўлим халқ судьяси Қосимова, агитпункт мудири Болтаева ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, маҳаллалардаги хотин-қизлар советларининг ишларини яхшилаш, аҳоли ўртасида динга карши темаларда лекцияларни кўпайтириш, хотин-қизларни жамоат ишларига кенг равишда жалб этиш кераклиги тўғрисида гапирдилар.

Районда, корхоналар, артельлар ва маҳаллаларда хотин-қизлар йиғилишини тез-тез ўтказиб туриш зарурлиги та'кидланди.

Йиғилиш хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисида карор қабул қилди.

Янги газетанинг биринчи сони чиқди

СОЛДАТСКОЕ. (Ўз мухбиримиздан). Бу ерда Ўзбекистон КП Қуйичирчиқ район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи «Колхозная Искра» газетасининг биринчи сони чиқди.

Газетада «Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилучи ой» сарланҳали бошмақола берилган. Газетада «КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорини ижчиллик блан бажарамиз!» деган рубрика остида жойлардан материаллар босилган. 1-нчи МТСнинг универсалчиларидан К. Турғунбоев, Қ. Туяқбоев ўртоқлар ўз мақолаларида июль ойида 500 гектардан ерни культивация қилиш учун қандай курашаётганликлари тўғрисида ёзадилар.

Бундан ташқари газетада қишлоқда савдо-сотиқни яхшилаш, футбол мусобақаларининг якунларига доир материаллар ҳам босилган.

Газета ҳафтасига икки марта рус тилида чиқади.

Ички резервлардан янада унумли фойдаланайлик

Май ойининг бошларида Москвада, Катта Кремль Саройида темирйўл ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда йўллар Министрлигининг ишидаги хато ва камчиликлар, шунингдек айрим транспорт корхоналарининг ишларидаги камчиликлар ҳартомонлама очиб ташланди.

Кенгаш қатнашчилари ўз сўзларида ички резервлардан унумли фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтдилар. СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Ўртоқ Л. М. Каганович ўз нутқида темир йўл транспортининг ишини ривожлантиришда барча резервлардан ҳартомонлама ва унумли фойдаланиш эўр аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Сўнгги йилларда Тошкент темир йўлининг ишлари бир мунча яхшиланди. 1953 йилда юк ортиш, урушга қадар бўлган даврга нисбатан бир қанча ошди. Жумладан: нефть ортиш 6 марта, кўмир 3 марта ва дон-ғалла ортиш 2,3 марта оширилди. Вагонлар обороти нормадагига қараганда 7 соат, локомотивларнинг тезлиги эса ўрта ҳисобда суткасига 2 километр тезлаштирилди.

1954 йилнинг охиригача юк ортиш мажбурияти урушдан сўнгги иккинчи бешйиллик планида белгиланган миқдордан оширилади. Аммо, бу каби кўрсаткичлар блан қаноатланиб қолиш мумкин эмас, ҳали Тошкент темир йўлининг ишларида камчиликлар жуда кўп, темир йўл ишларида кескин бурилиш ясалиши керак. Чунки, мамлакатимиз социалистик экономикасининг кун сайин ривожланиши, айниқса, Ўрта Осиё республикаларида пахтачилининг янада ривожлантирилиши темир йўл ходимларининг олдига катта талаблар қўймоқда.

Темир йўл хўжалигининг барча тармоқларида яқин вақт ичида юк ташиш ҳажмини янада ошириш ва халқ хўжалигининг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун барча ички резервлар мавжуд.

Юк ташиш ҳажмини оширишнинг резервларидан бири оғир юк ташучи машинистларнинг ҳаракатидир.

Оғир юк ташишнинг моҳир усталари—илғор машинистлар Тошкент товар депосининг ходимлари Митюшников ва Султонов, Урсатьевск депосининг ходимлари Журавлёв ва Толмачев, Қўқон депосининг ходими Асқаров ва бошқа кўпгина шу сингари ўртоқлар юк ташучи поездлар учун белгиланган юк ортиш миқдорини ошириб бажариш мумкин эканлигини тажрибада исбот қилдилар. Лекин, шу кунга қадар оғир юк ташучи машинистлар ўз ҳаракатларида резервлардан тўла ва яхши фойдаланаолмаётирлар. Темир йўл станцияларидан ҳар суткада жўнатилаётган поездларнинг тўртдан бир қисмигина оғир юк ташучи поездлардир, холос. Тошкент темир йўл бўлими бўйнча эса, оғир юк ташучилар гоят озчиликни — апрель ойида 18 процент, май ойида 25 процентни ташкил қилади. Айрим йўл станцияларида составни тўлиқ бўлмаган ва юклар тўла ортилмагани ҳолда жўнатиш каби зararли тажриба қўлланилмоқда. Бунинг натижасида оғир юк ташучи машинистларнинг эришаётган муваффақиятларига путур етиб, Йўллар министрлиги томонидан белгиланган юк ортиш нормасининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилмоқда.

Тошкент тепловоз депоси, Урсатьевск паровоз депоси, Қўқон ва Самарқанд деполарининг илғор машинистлари яқин муддат ичида поездларнинг юк ортиш оғирлигини янада ошириш мумкин эканлигини ўз тажрибаларида кўрсатдилар. Бунинг учун темир йўл тормоқларининг барча ходимлари оғир юк ташучи поездларни бошқаришда жонбозлик кўрсатишлари керак. Айниқса, йўл ходимларининг зиммаларига катта вазифалар тушади. Темирйўлчилар қисқа муддат ичида йўл хўжалиги ҳолатини яхшилашлари, бир хил тезлик блан қаноатланмасликлари ва оғир юк ташучи поездлар составининг тезлигини оширишда машинистларга барча имкониятларни яратиб беришлари лозим. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, темирйўлчилар, шахсан темирйўл хизматининг раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Синягин) ҳали ҳам янгидан страхование қилиш фактлари маннкудлигига барҳам бермай, хотиржамлик қайфияти блан келмоқдалар. Юриш тезлигини ошириш ҳақида кўп марта огоҳлантирилганига қарамай, ҳамон бу масалада мас'улиятсизликка йўл қўйилмоқда.

Темир йўл ҳаракат бўлими ходимлари олдига янги-янги талаблар қўйилмоқда. Чунки, ҳаракат бўлими ходимлари поездлар ҳаракатини тўғри ташкил қилиш каби муҳим ишга жавобгардирлар. Шунга қарамай, ҳозирга қадар оғир юк ташучи поездларнинг жўнатиш ишлари яхши уюштирилмаган.

Эксплуатация бўлимининг ходимлари, диспетчерлик аппаратлари ва станция раҳбарлари оғир юк ташучи поездлар составини жўнатиш ишларида тўб бурилиш ясашлари керак. Чунки улар шу йилнинг ўзида жўнатиладиган поездларнинг 65 процентини оғир юк ташучи поездлар ташкил қилиниши кераклигини ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганлар.

Йўл ишларини юқори даражага кўтаришда вагонлар оборотини тезлатиш ҳам муҳим резервлардан бири ҳисобланади. Ҳозирга қадар кўп станцияларда юручи составларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари юз бермоқда. Вагонларнинг бекор туриб қолмаслиги учун темир йўл ходимлари блан саноат корхоналарининг ходимлари бирликда кураш олиб боришлари лозим. Чунки, жўнатиладиган маҳсулотнинг деярли кўп қисми саноат корхоналарига яқин бўлган йўлларда поездларга ортилади. Вагонларнинг бекор туришларини қисқартиришда станция ва йўллардаги ишлар бўйнча ягона технологияни жорий қилишни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эгадир.

Ғўзаларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳамавақт омон сақлайлик!

Ғўзани тунги суғориш яхши ташкил қилинган колхозда

ОҚҚУРҒОН. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Донабой Қувондиқов миришкор сувчи. Колхозининг 9-нчи бригадасидаги ғўзалар унинг усталик блан қўйган сувидан баҳраманд бўлиб, тез ва бақувват ўсиб эрта ҳосилга кирмоқда. Бригадада суғориш блан чопиқ, культивация ва ўғитлаш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилади.

Июнь ойининг сўнгги ўнкунлигида бригаданинг ҳамма ерларига иккинчи ўғит берилди. Энди суғоришни яна тезлатиш керак. Донабой ота шериги Эргаш Мирзаев блан маслаҳатлашиб, ғўзани тунда суғоришга киришдилар. Ҳарбир эгатга эҳтиётлик блан сув оқишига алоҳида э'тибор қилинади. Шулар натижасида 18 гектар картадаги ғўзалар белгиланган муддатдан аввал сувдан чиқарилди.

Колхознинг 4-нчи бригадасида сувчилик ишини Эргаш Эгамбердиев бажаради. Бу бригадада ҳам ғўзани тунда суғориш яхши йўлга қўйилган. 4-нчи бригада а'золари ғўза қатор ораларига ишлов беришда илғорлар қаторида бормоқдалар. Шу кунларда бу бригадада ғўзага учинчи ишлов бериш тугалланмоқда, тўртинчи трактор культивацияси бошланди. Ўртоқ Икром Маркаев бошлиқ 7-нчи бригада а'золари ҳам ўз мусобақадошларидан қолишмай, ҳамма майдондаги ғўзани шоналатиб, гуллатиб ва кўсак олдириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бу бригадаларда июль ойида ҳамма майдондаги ғўзага 2,5 марта комплекс ишлов бериш тадбирлари белгиланди. Бу ишни муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан сувчиларнинг меҳнатига боғлиқдир. Яқинда колхоз правленеси сувчилар блан маслаҳат йиғилиши ўтказди. Тажрибакор сувчилар тажрибаларини бошқаларга сўзлаб бердилар. Шу йиғилишда сўзга чиққан 9-нчи бригаданинг сувчиси Донабой Қувондиқов бундай деди:

— Ғўзани саратон сувига қондириш — мўл ҳосил етиштиришда асосий шартлардан биридир. Мен июль ойи ичида ғўзани икки марта қондириб суғориш мажбуриятини оламан.

Оққўрғон райони Куйбишев қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз 1200 гектардан ошиқ пахта майдонига эга. Бу колхозда сувчилик блан шуғулланаётган колхозчиларнинг ишига алоҳида э'тибор берилаётир. Ҳозир илғор сувчилар тажрибаси асосида ғўзани тунда суғориш ҳамма бригадаларда йўлга қўйилди.



Оржоникидзе районидаги Киров номли колхозда ғўзалар иккинчи марта озиқлантирилаётир. **Суратда:** универсальчи ўртоқ **М. Содиқов** ғўза қаторларига СУЗ машинаси блан ўғит солмоқда.

В. Салов фотоси.

УНИВЕРСАЛЧИ П. КУПРИЯНОВНИНГ МЕҲНАТ ГАЛАБАСИ

ҚИБРАЙ. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Оржоникидзе районидаги машина-трактор станциясининг ўртоқ А. Григоренько бошлиқ 11-нчи трактор бригадаси «Сталинград» колхозида хизмат қилади. Бригада механизаторлари ўртасаройлн тракторчи-универсалчиларнинг ватанпарварлик чақириғига қўшилиб, мавсумда ҳарбир «Универсал» блан 1000 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб, эгат очиш ва ўғитлаб бериш мажбуриятини олган эдилар. Бригада универсалчилари социалистик мусобақа асосида ғайрат блан ишламоқда. Улар 1 июльгача 3093 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб, биринчи ўринда бораётирлар. Айниқса бригаданинг илғор универсалчиси ўртоқ П. Куприянов унумли меҳнат қилиб, мусобақада голиб чиқди. У, ўз агрегати блан 1 июльгача 929 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб, эгат олди. Куприянов КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорига жавобан 5 июльгача 1 000 гектар ердаги ғўзани ишлаб бериш ва июль ойида янада унумли ишлаб камида 300 гектар ернинг ғўзасини культивациядан чиқариш мажбуриятини олиб, бошқаларни социалистик мусобақага чақирди.

Ғўзани зараркунандалардан сақлайлик

Экинга тўшган зараркунандаларни эвақтида пайқаш, уларни дарҳол қириб ташлаш, ишлатиладиган дори-дармонларни тўғри тайёрлаш ва дорилаш ишларини сифатли қилиб ўтказиш ғўза ва бошқа экинлар ҳосилини тўла сақлаб қолишни та'мин этади.

Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхоз (раиси Убайдуллахўжаев, техник Каримов), Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз (раиси Шорахмедов, техник Бўриев) лар зараркунандалар тарқалишининг олдини олиш ва улар пайдо бўлганида тезда қириб ташлаш йўли блан ҳосилни сақлашда анча ютуқларга эришдилар.

Агар зараркунандаларга қарши жиддий кураш олиб борилмаса, улар тез урчиб кўп экинларга тарқалади ва ҳосилнинг анча камайишига сабаб бўлади.

Верхне-волинск районидаги «Победа» колхозида (раиси Бердиев, давлат агрономи Абдурахимов) қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашга мутлақо аҳамият берилмаётир. Колхознинг ғўзаларида ўргумчаккана кўп, лекин раҳ. барлар участка, карталарда ўргумчаккана босган жойларни аниқ билмайдилар. Шунинг учун ўргумчакканага қарши курашда юзаки иш қилинаётир. Жумладан колхоздаги дорилаш аппаратлари тўла ишга солинмаган, уларнинг кўпи бригаларда бекор ётипти. Дориор тўғри тайёрланмаганидек, кўл аппаратлар, ОДН машинаси, самолёт блан дори пуркаш-чанглаш ишлари жуда сифатсиз ўтмоқда — кўп жой чала дорилапмоқда. Буни қайтадан дорилашга тўғри келади. Акс ҳолда зараркунандаларнинг тез урчиб яна тарқалиб кетиши мумкин.

Ғулистон районидаги «Красний Восток» колхозида аҳвол бундан ҳам баттар. Колхозда анчагина майдонга ўргумчаккана тарқалган. Броқ колхоз раҳбарлари (раиси Носиров, агрономи Муҳаддабоев) хартурли ўринсиз баҳона қилиб қўл аппаратларни ишга солмасдан, ҳамма ишни ОДН машинасига қолдирганлар. ОДН машинасининг иши устидан ҳеҳқандай контроллик йўқ. Машина дори сепиш нормасига тўғри созланмагани учун дорилаш сифати бузилган. Масалан, машинанинг иш органи дорини баргнинг ост томонидан сепишга созланмаган. Аслида ОДН бошмаклари паст қилиниб дори чанглаш-пуркаш учликлари шунга мослаб ўрнатилганда, дори баргнинг ост томонига бориб тегар эди. «Красний Восток» колхозида аксинча бошмаклар баланд қилиб ўрнатилган. Бунинг устига ҳар гектар ерга 20 килограмм ўрнига ҳеҳнарса аралаштирмай туриб 150 килограммдан олтин гугурт чангланган. Зараркунандаларга қарши курашнинг ёмон уюштирилиши, бу ишга колхоз раҳбарларининг етарли э'тибор бермасликлари натижасида ўргумчаккана, шира ва шу кунларда пайдо бўлган ғўза тунламлари тез тарқалмоқда.

Зараркунандаларга қарши курашни кескин равишда кучайтириш, ҳозирги вақтда далани ҳар 2—3 кунда, кейинчалик эса ҳар беш кунда текшириб туриш, зараркунанда пайдо бўлган жойларни ўз вақтида аниқлаш керак. Зараркунанда пайдо бўлган жойлар тезда ва сифатли қилиб дориланиши зарур. Ҳарбир колхозда зараркунандаларга қарши курашиш учун махсус отрядлар ташкил қилиниши лозим. Бу отрядлар энтомологтехник ва агрономлар раҳбарлигида ишлайдилар.

Барча ОДН машиналарини текшириш ва уларнинг иш органларини фақат ғўзанинг барг остидангина дори пуркаш ва чанглашга мослаш керак. ИСО (оҳак олтингугурт қайнатмаси) ўргумчакканага энг қаттиқ та'сир қиладиган доридир. Шунинг учун барча колхозларда ИСО пиширишни ва ғўзага ИСО эритмаси пуркашни уюштириш керак. Ўргумчаккана, ширага минерал мойли эмульсия, каллоид олтингугурт, анабазиннинг совун эритмаси, совун ишқори ишлатиш ҳам мумкин.

Зараркунандаларни қириш тадбирларини ўз вақтида сифатли қилиб амалга ошириш, бу иш устидан доимий контроллиқни жорий қилиш блангина зараркунандаларни йўқотиш ва пахта ҳосилини тўла сақлаб қолиш мумкин.

С. БОНДАРЕНКО,

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси зараркунандаларга қарши кураш бўлимининг бошлиғи.

Виставка кандидати бўлган бригадада

Бўка районидаги Каганович номли колхозининг ўртоқ Мамат Сулаймонов бошлиқ бригадаси ўтган йили пахтадан юқори ҳосил етиштиргани учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилган эди. Бригада а'золари бу шарафли номга муносиб бўлиш учун шу кунларда ғўза парваришини намунали ўтказмоқдалар. 73 гектар ердаги ғўза 3 марта комплекс парвариш қилинди, ўғитланди ва қондириб суғорилди.

Бригаданинг Муҳтарам Очилова бошлиқ звеносида ғўза айниқса яхши ривожланмоқда. Звено а'золари социалистик мусобақа асосида ишлаб, кундалик нормаларини доим ошириб бажармоқдалар.

— Пахтакорларимиз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Сулаймонов, — ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги мажбуриятларини шараф блан бажариш учун ғўза парваришини июль ойида ҳам намунали ўтказдилар.

Биз КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорига жавобан ғўза парваришининг юқори сифатли ўтказилишига ва унинг эрта ҳосилга киришига эришамиз. Шундай қилиб, пахтани барвақт очилтирамиз ва давлатга фақат отбор сорт пахта етиштириб бериш учун курашамиз.

А. МАҲМУДОВ,

К. ОБИДОВ.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ВИСТАВКАСИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ

ИЛҒОР ПАХТАКОР КОЛХОЗ

Янгийўл шаҳаридан чиқиб, Халқобод кўчаси бўйлаб юқорига кўтарилганингиз сари ямғиш, бўлиқ ғўзалар блан қопланган баланд-паст адрлар кўзга ташланади. Енгил эсаётган шамолда бу ғўзаларнинг чайқалиши худди денгиз сувининг тўлқинига ўхшаб кетади. Узоқ-узоқларга тиқилиб завқланасиз...

— Бу Маленков номли колхознинг ғўзалари, — дейди ҳамроҳимиз, — меҳнатсевар колхозчиларимиз фидокорона меҳнат қилиб ана шу адрлардан муттасил мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Дарҳақиқат шундай. Колхоз а'золари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорига жавобан пахтачиликни янада ривожлантирмоқдалар. Колхозда фақат пахтачилик эмас, балки қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришининг барча тармоқлари ҳам ривожлантирилмоқда.

МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бир мисол келтирайлик: Маленков номли колхозга қўшилган «Правда» колхози илгари камқувват, пахтадан жуда паст ҳосил олар эди. Колхознинг бир қисм ерлари кўп вақт райондаги илғор колхозларга биркитилар, улар келиб экин экиб кетар эдилар. Маленков номли колхозда ҳам ўша вақтда аҳвол яхши эмас эди. Колхоз йириклашгандан кейин куч ва ишлабчиқариш воситалари қўшилади, улардан тўла ва унумли фойдаланиш имконияти туғилди.

Аввало экин майдонлари кенгайтирилди, ерлар яхлитлаштирилиб, катта-катта карталар пайдо бўлди. Ерлар текисланиб, янги суғориш усулига ўтилди. Бу тадбирлар натижасида деҳқончиликда агрономия фани ютуқлари ва илғор тажрибани кенг қўлланиш, ишлабчиқаришни ва меҳнатни тўғри ташкил қилиш, шудгорлашдан тортиб пахта йиғим-теримигача барча ишларнинг асосий қисми машиналаштирилгани сабабли мўл ҳосил етиштириш учун шароит вужудга келди. Ана шу шароит туфайли йириклашган колхозда катта бурилиш ясалди.

Бу соҳада механизация айниқса катта роль ўинади, чунки асосий ишларнинг энг кўп қисмини тракторлар, «универсал»лар ёрдамида бажаридп. Барча дала ишлари агротехника талаб қилган муддатларда тез ва сифатли қилиб ўтказилди, меҳнатни тежаш, демак кўл блан қилинадиган ишларни ҳам беками-кўст бажариш мумкин бўлиб қолди.

Кучли техникадан тўғри ва унумли фойдаланиш механизаторлар блан колхозчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам бўлишига боғлиқ. Маленков номли колхознинг далачилик бригадаларидаги иш трактор бригадалари блан бирга-ликда тузилган график асосида олиб борилади. Графикда ҳарбир тракторчи, ҳарбир звено ва колхозчи қиладиган ишнинг муддати, ҳажми ва сифати кўрсатилиб қўйилади. Бригадирлар графикни тўғри ва ўз вақтида бажариш учун зарур тадбирларни кўрадилар. Натижада колхозчилар блан тракторчилар иши бир-бири блан тўғри боғланиб бир ме'ёрда олиб борилади.

Колхоз ўтган йили бирнеча юз гектар ерга чигит экди. У, ернинг намига текис ундириб олинди. Ҳарбир гектар ерга ғўза туплариннг нормал қалинликда бўлиши та'миланди. Колхоз правленеси, бошланғич партия ташкилоти далачилик ва трактор бригадалари блан пухта маслаҳатлашиб иш кўрдилар. Ғўза 5 марта сифатли чопилиб, 6 марта культивация қилинди. Минерал ўғит ернинг шароитига қараб солинди. Маҳаллий ўғит блан минерал ўғитни аралаштириб солишга айниқса катта аҳамият берилди. Ғўза ҳар ернинг шароитига қараб тузилган схемада кўрсатилганидек суғорилди. Шу сабабли ғўзалар тез ривожланди, эрта ҳосилга кирди ва ҳосил мўл бўлди. Масалан, колхоз 1952 йилда пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштирган бўлса, ўтган йили ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олди. Бошқача қилиб айтганда бир йил ичида олинадиган ҳосил гектарига 9 центнердан оширилди. Натижада колхоз давлатга пахта топшириш юзасидан тузилган шартномадаги мажбуриятини барвақт — 20 ноябрьда ado этди. Механизация, агрономия фани ютуғи ва илғорлар тажрибасининг кенг қўлланилиши, колхоз манфаати блан колхозчилар манфаатининг тўғри қўшилиши омма ўртасида меҳнат ва ижодий ташаббусни устирди. Ўртоқ Турғунбой Қаршибоев бошлиқ 10-нчи бригада а'золари 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топшириб, мусобақада голиб чиқдилар. Бригаданинг ўртоқ Райим Анорбеков бошлиқ звеноси 45 центнердан, ўртоқ Зулайҳо Ўнғорбоева бошлиқ звеноси 42 центнердан пахта топширишга муваффақ бўлдилар.

Мўл ҳосил эвазига катта даромад келди. Колхоз сметага мувофиқ пахтадан 6 миллион 700 минг сўм даромад олиши керак эди. Аммо ҳосил кўп бўлди, шунинг учун даромад 7 миллион 787 минг сўмга етди. Меҳнат кунларининг қиймати ҳам ортди. Ҳарбир меҳнат кунига мўлжалдаги 8 сўм 43 тийин ўрнига, 10 сўм 88 тийиндан пул, 2,5 килограммдан ғалла тақсимланди. Юқори ҳосил етиштирган ўртоқ Турғунбой Қаршибоев бригадаси 144 минг 862 сўм қўшимча мукофот олди; бу бригада а'золарининг ҳарбир меҳнат кунига 17 сўмдан пул тақсимланди. Бошқа бригадаларга ҳам қўшимча мукофот берилди.

ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

Маленков номли колхоз а'золари бу йил насослар блан сув чиқариб 74 гектар бўз ерни ўзлаштирдилар ва пахта майдони 625 гектарга етказилди. Шу блан бирга улар гектаридан камида 40 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, умумхалқ мусобақасига қўшилдилар. Бунинг учун пахта майдони кузда ўғитланиб шудгор қилинган эди. Ер эрта кўкламда чигит экишга пухта тайёрланди. Чигит барвақт ва қисқа муддатда — 13 кунда экилди. текис ундириб олинди.

Колхозчилар агрономлар ва тажрибакорлар раҳбарлигида мўл пахта ҳосили етиштириш учун ижодий меҳнатни кучайтириб юбордилар. Эрназарова, Ўлпонова, Мусаева ва бошқа пахта усталари раҳбарлик қилаётган звено а'золари 100 центнердан ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Колхозчилар шу кунларда ғўза парваришини ҳар тарафлама яхшилаб, социалистик мусобақа мажбуриятини ,та'миналайдиган даражада ҳосил етиштириш учун зўр ғайрат блан ишлаётирлар. Ҳозир колхозда 4-нчи культивация, 3-нчи чопиқ тугалланиб, 4-нчи чопиқ оммавий равишда бошланди. Жойига қараб ғўзалар 2 — 3 марта суғорилиб, бир-икки марта озиқлантирилди. Минерал ўғитлар маҳаллий ўғитлар блан аралаштирилиб солинмоқда.

Университалчилар ҳам колхозчилар блан бир сафда туриб намуна ҳўжаликларда. Ўртасаройли илғор механизаторларнинг чақириғи барча механизаторлар сингари Маленков номли колхозда хизмат қилаётган универсалчилар томонидан ҳам қизғин кутиб олинди. Мавсумда 1000 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб бериш мажбуриятини олган Давлатов, Ўрозбоев сингари илғор универсалчилар ҳозиргача 500 гектардан ортиқ ердаги ғўзани культивация қилдилар. Колхозда ғўзани 5 чопиқ, 9 культивация қилиш планлаштирилган. Бу тадбирлар ҳарбир бригадада тузилган графиклар асосида амалга оширилмоқда.

Колхозда пахтачилик блан бирга унинг бошқа тармоқлари ҳам ривожланаётир. Ўтган йили чорвачиликни ривожлантириш плани 146 процент қилиб адо этилди. Чорва молларининг барча турлари бўйича план тўла ва ошириб бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари ҳам кўпайди. Шу туфайли колхоз чорвачиликдан сметадаги 191 минг 488 сўм эмас, балки 598 минг 493 сўм даромад олди. Давлатга пландан ташқари кўп миқдорда гўшт, сут, жун топширилди. Ғаллачилик ҳам ўсмоқда. 12 гектар ерга мева дарахтлари ўтқазилиб, боғ 36 гектарга етказилди.

Колхозда жамоат бинолари қуриш кенг миқ'ёсда олиб борилмоқда. 50 та сигир сиғадиган молхона, 100 та йилқи сиғадиган отхона, пахта саройи қурилаётир.

Колхоз 1953 йилда эришган муваффақиятлари учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига кандидат қилиб кўрсатилди. 71 илғор колхозчи, шу жумладан мўл ҳосил етиштиришда колхозчилар блан бирга самарали меҳнат қилган Ш. Ғаниев, Л. Матмусоев ўртоқлар бошлиқ бригаданинг тракторчи-универсалчилари ҳам виставкага қатнашадилар.

Колхозчилар бу йил ҳам кенг майдонлардан мўл ҳосил етиштириб, 1955 йилда виставкага қатнашиш ҳуқуқини яна сақлаб қолиш учун намунали ишламоқдалар.

Ш. КУЗАНБОЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Такрорий қурт боқишни намунали ўтказайлик

Ҳозир областьда такрорий — ёзги қурт тутишга ҳозирлик кўришнинг қизғин даври бошланди.

Такрорий қурт тутиш натижасида давлатга янада кўпроқ пилла топширилади, шу блан бирга колхозчиларнинг ипакчиликдан оладиган даромадлари ҳам ошади.

Областьнинг кўпгина илғор колхозлари ёзги қурт тутиш усулларини яхши ўрганиб олганлар. Улар баҳорда боқилган қуртлар каби, ёзда боқилган қуртлардан ҳам мўл пилла ҳосили олиб келмоқдалар.

1951 йилдан бошлаб ёзги қуртлар ҳам Сталин мукофоти лауреатлари Ҳурмат Тешаева ва Олияхон Султоновалар методи блан жадал усулда боқилиб келинмоқда.

Ма'лумки, баҳорга қараганда ёзда ҳаво анча иссиқ ва қуруқ бўлгани учун бу даврда қуртларни жадал усулда боқиш анча осон бўлади. Чунки қуртларни жадал усулда боқишнинг асосий шарти — қуртхона температурасини баланд ва ҳавоси нисбий намлигини кам қилиб туришни деярлик бевосита та'мин этиш мумкин. Шунинг учун ёзги қуртларни жадал усулда боққан кўпгина колхозлар мўл пилла ҳосили олиб келмоқдалар.

1953 йилда Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз ёзда қуртларни жадал усулда боқиб, ҳар қути уруғдан 62,2, «Коммуна» колхози 52,4 килограммдан пилла топширдилар. Сирдар'ё райони бўйича ҳар қути уруғдан ўртача 32,2 килограммдан ҳосил олинганн ҳолда районнинг «XVIII партконференция» колхози 56,2 килограмм, Бўка районидаги «XIX партс'езд» колхози 53,9, Вильямс номли колхоз эса 50,8 килограммдан пилла топширдилар. Ҳолбуки район бўйича ҳар қути уруғдан ўртача 32,2 килограммдан пилла олинган эди. Юқоричирчиқ районидаги «3-нчи Интернационал» колхозида ҳар қути уруғдан 50,3 килограммдан пилла олинди. Областьнинг жуда кўп колхозларида ёзда тутилган ҳар қути уруғдан планда белгиланган 25 килограмм ўрнига 35—40 килограмм ва ундан ҳам ортиқ пилла олинди.

Қуртларни жадал усулда боқишнинг ўнчалик мураккаб бўлмаган талабларини амалга ошириш учун қуртхона полини-қуруқ тутиш ва уни тез-тез шамоллатиб туриш керак. Қуртхонани шамоллатишда унинг температураси блан ҳаво намлигини тартибланги кўзда тутиш зарур. Сутканинг салқин пайтларида қуртхонада температура нормадан ошиб кетса ҳам, ёки куннинг иссиқ пайтида бирон сабаб блан нормадан камайиб кетса ҳам қуртхона тез-тез шамоллатилади. Қуртхона, кундузлари ҳавонинг нисбий намлиги ошиб кетган пайтларда ҳам тез-тез шамоллатилади. Чунки, бу пайтларда ташқаридаги ҳаво анча қуруқ бўлади.

Яқин кунларда қурт уруғлари очирилиб колхозларга тарқатилади. Колхозда ёзги қурт боқишни намунали уюштириб ундан мўл ҳосил олиш учун пухта тайёргарлик кўриш лозим. Қурт боқишни марказлаштириш мақсадида колхоз учун умумий бўлаоладиган катта биноларни ажратиш, уларни формалин ёки моноҳлорамин дорилари блан дезинфекциялаш, янги оҳак блан оқлаш ҳамда улардаги шамоллатиш воситаларини тузатиш, ёки янгисини ўрнатиш керак. Ҳар қути уруғ қурти учун 60 квадрат метрдан кам бўлмаслик шарти блан оўкчалар қуриш лозим.

Ёзги қурт боқишда келгуси йил баҳорда боқиладиган қуртларни барг блан та'минлаш имкониятини сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга. Бизда ёзда боқиладиган қуртга ем-ириш учун аталган махсус тутзорлар йўқ. Ёзги қуртлар ҳам барги бир сидра баҳорда боқилган қуртларга едирилган тутларнинг янги барглари ҳисобига боқилади. Шунинг учун тут баргидан усталик блан тежаб-тергаб фойдаланиш керак. Токи ёзги қурт учун барги олинган тут кўпроқ ўссин, асосий шохлари тўғри шаклланиб дарахт яхши ривожлансин. Илғор ипакчилар ёзги қуртга едириш учун тут новдаларини ёппа кесиб олмайдилар, балки, улар қуртни яганалаш тартибида тут каллагини майда новдалардан тозалаш ва асосий новдаларнинг уч томонидаги 1/3 қисмини буташдан ниққан барглар ҳисобига боқадилар. Тутлардан шу усулда фойдаланилганда ёзда баҳорда боқилган қуртнинг 20 процента чамасида қурт боқиш мумкин бўлади. Шу блан бирга келгуси йил баҳорида боқиш учун барг фақат етибгина қолмай, балки, тутлар етарлик суғорилса, ер юмшатилиб ўтитланса барг ҳосили ҳатто мўлжалдагидан ошиб ҳам кетади.

Вазифа — такрорий қурт боқиш бошланишини кутиб турмасдан тутларнинг парваришини кучайтириш, қурт боқувчиларга такрори қуртларга едириладиган тут новдаларини тўғри кесиш йўлларини тушунтиришдан иборат. Барглан тўғри фойдаланишда тут кесиш усули ва кесилган баргларни қуртларга едиришгача сақлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Барглари фақат кунинг салқин пайтларида кесиш ва уларни салқин биноларда сақлаш лозим. Бунинг учун махсус ертўлалар, ёки ости тахта пол бўлмаган салқин бинолар ажратилади. Баргхонанинг дераза ва эшиклари қалин пардалар блан бекитилади.

Такрорий қурт боқишнинг муҳим шартларидан бири қуртларни сийрак жойлаштиришдир. Баҳорги қуртларга қараганда ёзги қуртлар анча сийрак қилиб жойлаштирилади. Бунда ҳар қути қурт камида 60—70 квадрат метр ўрнига жойланади. Шунга мўлжаллаб зарур бўладиган сукчаклар тезда қурилиши керак.

Ёзги қуртлар учун эшик, дераза лари яхши ёпиладиган, бемалол шамоллатиладиган бинолар ажратилиши лозим. Иложи бўлганда қуртхона учун олдидан сув оқиб турадиган, дарахт бўлган жойлардаги бинолари ажратиш ма'қул бўлади.

Саригари, қовоқари ва шунга ўхшашлар қуртлар учун жуда хавфли. Улар қуртларни тириклайин тортиб кетиб пилла ҳосилининг камайишига сабаб бўлади.

Қуртларни зараркунандалардан сақлаш учун қуртхонанинг дераза, шомоллатиш туйнукларига ингичка сим, марли-дока, тўр қоғоз ва ҳоказолар тутиш керак.

Район партия ва совет ташкилотлари, колхозлар олдида фахрли ва жуда мас'улиятли вазифа турипти. Бу ҳам бўлса такрорий қурт боқишни тўғри уюштириш ва пилла тайёрлашни муваффақият блан ўтказишдир. Бу вазифани бажариш учун такрорий қурт боқиш бошлангунича барча ташкилий ишларни ҳал қилиш керак.

Дастлаб бинолар ажратилиши, ремонт ва дезинфекция қилиниши, сўкчаклар қурилиши керак.

Қурт уруғи заводлари, район ипакчилик идоралари тайёргарлик ишларини уюшқоқлик блан ўтказишлари, яхши уруғ тайёрлашлари, уруғни тўғри очиришлари, колхозларга тетик-хаётчан қуртларни юборишлари, қурт боқишнинг илғор усулини жорий қилишда колхозчиларга раҳбарлик қилишлари, яқиндан ёрдам беришлари керак.

Вазифа,—такрорий қурт боқиш илғорларининг тажрибасини кенг миқёсда ёйиш, ҳамма ерда ҳам пилла ҳосили миқдорини илғорлар даражасига етказиш, давлатга янада кўпроқ пилла беришдир.

П. НУРИДДИНОВ,

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ипакчилик бошқармасининг бошлиғи

В. ГУДОШНИКОВ,

Бош агрономи.

Пичан ўриш плани ошириб бажарилди

Чиноз район колхозлари жамоат чорвачилигининг қишлови учун бу йил 4900 гектар ердаги беданя ва табиий ўтларни ўриши керак эди. Район колхозлари, МТС ва МЖСда пичан ўришга яхши тайёргарлик кўрилди. Пичаннинг энг кўпини машиналарда ўриб йиғиштириш кўзда тутилиб, ўрим агрегатлари ўз вақтида тайёрланди, уларни бошқариш пичан ўришда тажрибали, синалган механизаторларга топширилди. Колхозларда махсус ем-хашак тайёрлаш бригадалари ташкил қилиниб, ҳарбир ўрим агрегатига хизмат кўрсатиш учун бригада а'золаридан доимий кишилар бириктирилиб қўйилди. Ем-хашак тайёрлаш бригадасининг бир қисми машина юрмайдиган жойлардаги ўтларни чалғи блан ўрган бўлсалар, кўпчилиги ўрилган пичанни тўдалаш, қуритиш ва ғарамга босиш ишларини бажардилар.

Райондаги «XIX партс'езд», Ленин номли, М. Горький номли, Маленков номли ва бошқа колхозлар пичан ўриш ишини айниқса намунали уюштирдилар. Бу колхозларда ўрилган пичанлар вақтида йиғиштирилиб ғарам қилинди ва ўлчаниб кирим дафтарларига ёзилди, шу блан бирга хашакни сақлаш учун жавобгар кишилар тайинланди.

Пичан асосан МТС ва МЖС кучи блан ўриб йиғиштирилди. Масалан, МТС агрегатлари 3762, МЖС агрегатлари 1900 гектар ердаги пичанни ўриб берди. 1-нчи МТС механизаторларидан Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг кандидати П. Андреев ўз агрегати блан 940 гектар, Н. Рустамов 848 гектар ердаги пичанни ўриб-йиғиб бердилар.

Шундай қилиб, бу йил мавсумда Чиноз районида 5602 гектар ердаги пичан ўрилиб план ортиғи блан бажарилди.

Район колхозлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини баланд руҳ блан кутиб олдилар. Колхозчилар ғўза парваришини тобора кучайтириш блан бирга жамоат чорвачилиги учун ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш тадбирларини қурмоқдалар. Ҳамма колхозларда беданянг иккинчи ўрими тугалланди. Бедапоялар вақтида суғорилиб яхши парвариш қилинмоқда.

М. МИРКОМИЛОВ,

М. УМАРОВ.

Уруғлик каноп яхши парвариш қилинмоқда

Юқоричирчиқ районидаги Чкалов номли колхоз бу йил 100 гектар ерга уруғлик каноп экиди. Каноп ўз вақтида — апрель ойидаёқ экилиб, яхши ундириб олинди. Ма'лумки, каноп дастлабки даврда секин ривожланади. Айниқса шу вақтда эҳтиёт бўлинмаса ўсимликни ўт босиб кетиши ва ҳатто унинг нобуд бўлиши мумкин. Азамат колхозчилар канопни яхши ривожлантириш учун уни доим ўтдан тозалаб, икки-уч марта чопиқ қилдилар.

Каноп ўсимлиги парваришининг айниқса нозик пайтида иш сифатига алоҳида э'тибор бериш катта аҳамиятга эгадир. Бу соҳада механизаторлар айниқса ғайрат кўрсатишлари керак. Уста универсалчи Б. Маматов экин қатор ораларини белгиланган чуқурлик ва кенглиқда сифатли культивация қилмоқда. Натижада қатор ораларидаги бегона ўтлар таг-томири блан қуримоқда ва шу блан бирга қаторларни чопишда колхозчилар меҳнати анча енгиллашмоқда.

Колхозда каноп экини ҳозир умуман икки марта чопиқ, уч марта культивация қилинди ва бир марта ўғитланди. Вақтида суғорилиб турипти. Шунинг учун ўсимлик бир текисда, бегона ўтдан ҳоли бўлиб ўсмоқда.

Колхоз бу йил ҳар гектар ердан 10 центнердан каноп уруғи топириш мажбуриятини олган.

Ш. ЎТЕБОЕВ.

Сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун

Сирдар'ё районидаги «XVIII партконференция» колхозининг а'золари хўжаликнинг ҳамма тармоқларини нормал ривожлантириш йўли блан жамоат даромадини ошириш учун курашмоқдалар. Колхозда пахта блан бирга бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳам етиштирилади. Бу йил колхозда 890 гектар ерга чигит, 4 гектар ерга картошка, 3 гектар ерга эртаги карам, 3 гектар ерга помидор ва 41 гектар ерга қовун-тарвуз, 10 гектар ерга савзи, пиёз ва бошқа экинлар экилиб, улар ҳам яхши парвариш қилинмоқда. Сабзавот экинларининг чопиғи, суғориши ва озиқлантириліши ўз вақтида бажарилмоқда.

Колхозда ҳозир эртаги сабзавотлардан ҳосил олинабошланди. Колхоз июнининг иккинчи ярмидан аҳолига сотиш учун бирнеча тонна бодринг, савзи, пиёз, карам ва бошқа маҳсулотларни чиқарди. Колхоз ўтган йили сабзавот экинларидан қариб 1 миллион сўм даромад қилган эди. Бу йил 1,5 миллион сўм олишни планлаштирган.

Э. РАҲМОНОВ.

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ МК ПЛЕНУМИ

ВАРШАВА 4 июль. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги билдиради: 2—3 июльда Варшавада Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди.

Пленум партия Марказий Комитетининг яқинда вафот этган а'зоси З. Модзелевскийнинг хотирасини бир минут жим туриб эсга олди.

Польша бирлашган ишчи партияси МК Сиёсий бюросининг а'зоси З. Новак «Қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги, айниқса бўш ётган ерлардан фойдаланиш ва ўтлоқ ерларни ҳамда яйловларни ўзлаштириш соҳасидаги навбатдаги вазифалар» ҳақида доклад қилди.

Доклад юзасидан муэокаралар бўлди. Пленумда Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Болеслав Берут нутқ сўзлади.

Пленум экин экилмасдан бўш ётган ерлардан фойдаланиш ва ўтлоқ ерларни ҳамда яйловларни ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилди.

АЛБАНИЯДА ҲОСИЛНИ ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛИШ ҚИЗИБ КЕТДИ

ТИРАНА, 4 июль. (ТАСС). Албанияда кузги дон экинларини ўриб-йиғиб олиш қизитиб юборилди. 30 июньгача бўлган ма'лумотларга қараганда, ҳамма кузги дон экинларининг ярми ўриб-йиғиб олинган. Давлат ва кооператив хўжаликлари ўрим-йиғимда олдинда бормоқда. Давлат қишлоқ хўжаликларида бугдойнинг деярлик 70 проценти ўриб-йиғиб олинган.

МТСлар ҳосилни ўриб-йиғиб олишда деҳқонларга катта ёрдам кўрсатмоқда.

Гьирокастера области Саранда районидаги ба'зи деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативлари давлатга ғалла топширишга киришганлар.

Чехословакия меҳнаткашларининг ёзги дам олиши

ПРАГА. 3 июль. (ТАСС). Чехословакия давлати меҳнаткашларнинг дам олиши тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Корхона ва муассасаларнинг энг яхши ходимлари мамлакатнинг энг гўзал манзарали ерларида жойлашган обод дам олиш уйларида дам олмоқдалар. Чехословакия телеграф агентлигининг билдиришича, бу йил республика шифохоналарида 200 мингдан кўпроқ киши дам олади.

Юз мингларча меҳнаткашлар ўз отпускаларини «Турист» халқ жамиятининг дам олиш уйларида ва дачаларида ўтказмоқдалар. Бундан ташқари, «Турист» жамияти автомашиналарда ва пароходларда юриш ҳамда саёҳатларни мунтазам суратда ўтказиб туради. Бу юришлар ва саёҳатлар вақтида меҳнаткашлар ўз мамлакатларининг хушманзара жойлари блан танишадилар.

Хотин-қизларнинг умумгерман конгресси

БЕРЛИН, 3 июль. (ТАСС). Берлинда хотин-қизларнинг умумгерман конгресси кеча ўз ишини тамомлади.

Конгрессда немис хотин-қизларининг тинчлик учун ва Германиянинг бирлиги учун, немис хотин-қизлари ва уларнинг болаларининг бахтли истиқболи учун кураши масалалари муҳокама қилинди.

Конгрессда яқдиллик блан қабул қилинган резолюцияда биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари даврида немис хотин-қизлари ва оналар бошига тушган ҳамма бахтсизликларни герман милитаризми келтирган эди, деб та'кидланади. Ҳозирги вақтда, дейилади сўнгра резолюцияда, Ғарбий Германияда тикланаётган герман милитаризми америка империализми блан биргаликда янги урушга тайёргарлик кўриб, янги бахтсизликлар келтириш хавфини туғдирмоқда. Аденауэр ҳукумати томонидан юргизилаётган ва Германияни парчалашдан иборат бўлган сиёсатга хотима бериш зарур. Немис хотин-қизлари барча немис ватанпарварлари блан биргаликда немислар ўртасида бир-тимга эришиш учун, бирлашган, демократик ва мустақил Германияни барпо этиш учун, ремилитаризацияга ва урушга қарши курашишлари лозим.

Резолюциянинг махсус бўлими Ғарбий Германия хотин-қизларига Германия Демократик Республикасидаги хотин-қизлар фойдаланаётган демократик ҳуқуқларнинг ҳаммасини бериш тўғрисидаги талабга бағишланган.

Германия демократик хотин-қизлар союзининг биринчи раиси Ильзо Тиленинг таклифига мувофиқ конгресс қатнашчилари Тинчлик, бирлик ва тенгҳуқуқлилик учун курашучи Умумгерман кенгашини сайладилар. Германиянинг ҳар иккала қисмидаги хотин-қизларнинг вакиллари кирган бу кенгаш немис хотин-қизаларининг Конгресс қарорларини амалга ошириш учун олиб борадиган курашига раҳбарлик қилиши лозим

Шунингдек Конгресс Германия демократик хотин-қизлар союзи марказий-правлениесининг янги составини сайлади.

Хотин-қизларнинг умумгерман конгресси немис ватанпарвар хотин-қизларининг бутун немис халқи блан биргаликда тинчлик ва Германиянинг бирлиги учун курашишга қат'ий қарор берганликларини ифода этди.

Москва давлат қўғирчоқ театрининг Лондондаги гастрольлари ҳақида инглиз газетасининг ёзганлари

ЛОНДОН, 4 июль. (ТАСС). Якшанба куни чиқадиган газеталарнинг кўпчилиги Лондондаги «Казино» театрида гастрольлар бераётган РСФСР халқ артисти С. В. Образцов раҳбарлигидаги Москва давлат қўғирчоқ театрининг ўйинларига яхши баҳо бермоқда. Газеталар театр артистларининг маҳоратига юксак баҳо бермоқдалар.

«Санди таймс» газетасининг театр танқидчиси Сирил Вьюмонт бундай деб ёзади: «Бундай жозибадор қўғирчоқ театрини, зўр сан'ат блан ишланган декорацияларни ва саҳнанинг электр нурлари блан бу хилда яхши ёритилишини сра тасаввур қилаолмайман. Жуда кўп персанажлар, уларнинг қиёфалари ва костюмлари шундай усталик блан ишланганки, улар муайян бир образни аниқ тасвирлайди ва ҳарбир қўғирчоқнинг ҳатти-ҳаракати яхши ижро этилган балетдаги сингари мукаммалдир».

Жанва кенгаши тевараги да

ЖАНВА, 3 июль. (ТАСС). Кеча 9 делегациянинг навбатдаги ёпиқ мажлиси бўлди. Хабар берилишича, мажлисда Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги битим шартларининг бажарилишини конроль қилиш ва назорат қилиб туриш ҳақидаги масалани муҳокама қилиш давом этган.

Бу ерда ма'лум бўлишича, Англия делегациясининг вакили мажлисда сўзга чиқиб, ба'зи делегациялар кенгаш қатнашчиларининг нуқтаи назарларини яқинлаштириш тадбирларини кўрганликлари сабабли кейинги мажлисни фойдали деб ҳисоблаганлигини айтган. У Франция делегацияси аралаш комиссия блан бетараф мамлакатлар комиссияси ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги масала юзасидан бирор амалий таклиф киритмаган. У аралаш комиссиянинг бетараф мамлакатлар комиссиясига буйсуниши керакми-йўқми деган масала юзасидан кейинчалик ўз фикрини билдиражагини айтган.

Франция делегациясининг вакили ҳам қисқача баёнот қилган. Унинг нутқи муҳокама қилинаётган масала юзасидан унинг бундан аввалги баёнотларига нисбатан ҳеч бир янгилик киритмаган. Шу блан бирга у контроль ва назорат қилиб туриш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни кечиктириб, Лаос ва Камбоджа тўғрисидаги масалага ўтишни ёқлаб гапирган.

Баодайчилар ҳукуматининг вакили Ҳинди-Хитойда яраш битими устидан бўлган халқаро контроль БМТга топширилсин деб гапирган. Шу блан бирга у аралаш комиссияга кенг ҳуқуқлар берилмасин ва бу комиссия ўз ишида халқаро комиссияга бўйсундирилсин деб таклиф этган.

СССР делегациясининг вакили яраш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилиши устидан контроль ва назорат қилиб туриш ҳақидаги масаланинг кейинги икки ҳафта ичида муҳокама қилинишини якунлаб, совет делегациясининг 14 июньдаги ва Франция делегациясининг 25 ҳамда 29 июньдаги таклифларида ба'зи масалаларда нуқтаи назарларнинг яқинлашганлигини та'кидлаб ўтган. Бу даставвал аралаш комиссия блан халқаро назорат комиссияси ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги масалага таллуқлидир. Комиссияларнинг функцияларини ва вазифаларини белгилаш масаласида, шунингдек халқаро назорат комиссияси ўз рекомендацияларини амалга ошириш учун ўз ихтиёрида қуролли кучларга эга бўлмаслиги керак деган масалада ҳам яқинлашиш бор.

Шу блан бирга СССР вакили ҳали ҳам делегацияларнинг нуқтаи назарлари бир-биридан анча фарқ қилаётган масалалар борлигини та'кидлаб ўтган. Масалан, халқаро назорат комиссиясининг составини ҳақидаги масалада ихтилофлар бор. Хабар берилишича, СССР вакили АҚШ вакилининг 29 июньда сўзлаган нутқига жавоб берган, АҚШ вакили ўша нутқида эски сийқаси чиққан далилларни такрорлаб, Кореядаги бетараф мамлакатлар комиссиясининг ишини қоралашга ва шундай қилиб Ҳинди-Хитойда СССР делегацияси 16 июньда таклиф этган составда тузиладиган халқаро назорат комиссияси гўё самарали ишлайолмайди деб исботлашга уринган. СССР вакили, агар Америка қўмондонлиги Кореядаги бетараф мамлакатлар комиссиясига нисбатан обструкционистик сиёсат юргизишни тўхтатган бўлса эди, мазкур комиссиянинг иши анча муваффақиятлироқ борар эди деган, совет вакили, агар ҳар иккала томон халқаро назорат комиссиясининг ишига ёрдам бериб турмаса, бу комиссия ҳарқандай составда тузилганда ҳам, ўз функцияларини самарали бажараолмайди деб уқтириб ўтган.

Яраш битими уруш ҳаракатларининг яна бошланишига сабаб бўларлик даражада жиддий равишда бузилган тақдирда бетараф мамлакатлар комиссиясида овоз бериш тартиби ҳақида ҳам ихтилофлар бор. СССР вакили совет делегациясининг 14 июньда тақдим этган таклифларини эслатиб ўтган. Бу таклифларда айтилишича, халқаро назорат комиссияси яраш битимининг шартлари уруш ҳаракатларининг яна бошланиб кетиш ишига сабаб бўларлик даражада жиддий равишда бузилганлиги блан боғлиқ масалаларнинг юзасидан қилган рекомендацияларини кўпчилик овоз блан эмас, балки ҳамма а'золарнинг розилиги блан қабул қилиши лозим.

Франция делегациясининг 25 июньда тақдим этган таклифларида, ана шундай бузилишлар юз берган тақдирда халқаро назорат комиссияси ўз рекомендацияларини бериши лозим дейилади, лекин бундай рекомендацияларнинг қандай йўл блан қабул қилиниши кераклиги аниқ айтиб берилмайди. Шу муносабат блан СССР вакили Франция делегациясидан тегишли изоҳатлар беришни сўраган.

Тўққиз делегациянинг Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш масаласи юзасидан бўладиган келгуси ёпиқ мажлиси 6 июльда бўлади.

Ковентри шаҳри лорд-мэрининг мактуби муносабати блан Сталинградда баён этилган фикрлар

СТАЛИНГРАД, 3 июль. (ТАСС). Сталинград аҳолиси Ковентри шаҳри лорд-мэри Жон Фаннелнинг СССР ниг Англиядаги элчиси Малик номига юборган ҳамда радио орқали эшитдирилган ва матбуотда э'лон қилинган мактубини қизиқиш блан кутиб олди. Жон Фаннел бу мактубида шаҳарнинг лорд-мэри ва ковентри блан Сталинград ўртасидаги дўстона алоқалар комитетининг ранси сифатида Ковентри аҳолиси номидан сталинградлиларни табриклайди ва уларга яхши тилаклар билдиради ҳамда бу комитет Сталинград аҳолисига мурожаат этиб, уни бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида биргаликда муайян ҳаракатлар қилишга қарор берганлигини ма'лум қилади.

Ковентри блан Сталинград ўртасидаги дўстона алоқалар комитети томонидан қабул қилинган резолюция кеча қаҳрамон шаҳардаги саноат корхоналари, қурилишлар ва муассасаларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўртасида қизғин муҳокама қилинди.

Сталинград меҳнаткашлари Ковентри аҳолисининг янги уруш хавфига ва одамларни кўплаб қирадиган қуролларнинг қўлланилишига қарши қаратилган ҳамда жаҳон афкор оммасининг э'тиборини шу хавфга қаратааладиган ва бутун дунёдаги тинчлик кучларини янада кўпроқ бирлаштираоладиган позитив ҳаракатлар қилиш тилакларига ўзларининг тўла бирдам эканликларини билдирадилар. Бу ерда жумладан, комитетнинг иккинчи жаҳон уруши даврида энг кўп зарар кўрган шаҳарлар Сталинград ва Ковентри БМТ нинг қуролсизланиш комиссиясига биргаликда мурожаат қилиб, водород ва атом бомбаларини қўлланишни тақиқлашга чақирсинлар ҳамда ўзларининг муайян таклифларини киритсинлар, деган таклифи қўллаб-қувватланади.

БОНН КАНЦЛЕРИНИНГ УРУШҚОҚЛИК РУҲИДАГИ БАЁНОТИ

Францияга яна бир таз'йиқ қилиш

БЕРЛИН, 3 июль. (ТАСС). Ғарбий Германия канцлери Аденауэр кеча радио орқали нутқ сўзлаб, «Европа мудофаа бирлашмаси» ҳақидаги масала юзасидан бундан кейин бўладиган дискуссиларни қат'иян рад қилди. «Европа мудофаа бирлашмаси тўғрисидаги шартнома қатнашувчилари бўлган олти ҳукумат ўртасида шу шартнома масаласи юзасидан янги муэокараларнинг яна бошланиб юборилишинни ортиқча деб ҳисоблайман», деди Аденауэр. У, Франция парламентидан, «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномани дарров ратификация қилишни талаб этди ва аксҳолда дарҳол Ғарбий Германия «миллий армияси» ташкил қилинади, деб дўқ урди.

«Франция Европа мудофаа бирлашмасидан воз кечди, деб фараз қилайлик,— деди Аденауэр, — ундай ҳолда бизнинг немис миллий армиясини ташкил қилишдан бошқа иложимиз қолмайди».

Аденауэр ўз нутқида: «Биз, ниҳоят, амалий иш бошлаб юборишимиз ва бизнинг амалий ишимизга халқит берадиган сусткашликларга хотима берилиши лозим», деб та'кидлади.

Аденауэр Ғарбий Германияга суверенитет берилишини яна талаб қилди ва бу Суверенитет масаласини Бонн шартномасига боғлиқ қилиб қўйди. Ма'лумки, Бонн шартномаси давлат суверенитети деган тушунчага сра тўғри келмайди, чунки Ғарбий Германиянинг 50 йилгача оккупация қилиб турилишини кўзда тутади.

Ғарбий Европа матбуоти Аденауэрнинг бу нутқига Францияни «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномани ратификация қилдириш мақсадида унга нисбатан қилинган кучли таз'йиқ деб баҳо бермоқда. Англияда чиқадиган ҳамма газеталарнинг та'кидлаб ёзишича, Бонн канцлери Аденауэр Ғарбий Германия «миллий армиясини» «Европа мудофаа бирлашмасининг» бирдан-бир альтернативаси деб ҳисобламоқда.

Англияда чиқадиган «Дейли экспресс» номли буржуа газетаси Аденауэрнинг нутқини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзади: «Немислар яна солдат этикларини тиқтирмоқдалар. Канцлер Аденауэр 2 июльда Боннда радио орқали нутқ сўзлаб, агар Франция Европа мудофаа бирлашмаси тўғрисидаги шартномани ратификация қилмаса, Германияда миллий армия ташкил этилишини талаб қилди... Вашингтон музокаралари тамом бўлгандан кейин, Черчилль блан Эйзенхауэрнинг матбуотда э'лон қилинган гапларидан руҳланган немислар таз'йиқ қилабошладилар... Аденауэр одамларга яна ҳарбий форма қийгизиш, уларни ҳарбий машқ қилдирабошлаш имконияти туғилди, деб ҳисоблаётганлиги энди равшан бўлиб қолди.

ШИМОЛИЙ ВЬЕТНАМДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ПЕКИН, 3 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги Вьетнам информация агентлигининг хабарига асосланиб билдиради: Вьетнам халқ кучлари 30 июньда француз қўшинлари чекинганидан кейин Нам-Динь, Ниньб-Бинь, Буй-Шу, Фат-Дием, Тай-Бинь шаҳарларига кирганлар ва маҳаллий аҳоли томонидан қизғин кутиб олинганлар.

Вьетнам халқ кучлари чекинаётган француз қўшинларининг йўлини тўсиб қўйганлар. Бу француз қўшинларининг чекинишини паналаб туриш учун иккита мобиль француз полки ва иккита моторлаштирилган батальон юборилган бўлишига қарамай, француз қўшинлари кўп талафот кўрганлар. Чекиниш вақтида баодайчи қўшинларнинг ма'навий руҳи жуда тез пасайиб кетган ва уларнинг кўпи дезиртирлик қилган.

29 июньда француз қўшинлари Жиа-Кснен деган яна бир катта секторни (Нинь-Бинь вилояти) ташлаб чиққанлар.

ЛИВИЯ ТУРКИЯ-ПОКИСТОН ПАКТИГА ҚУШИЛИШДАН БОШ ТОРТДИ

ДЕҲЛИ. 3 июль. (ТАСС). Деҳли радиоси эшитдирган хабарга қараганда, Ливия Туркия-Покистон пактига қўшилиш ҳақида Туркия томонидан қилинган таклифни рад этган. Хабар берилишича, Туркия, бу таклифни Ливиянинг бош министри яқинда Туркияга келган вақтда қилган экан.

ЭРОНДАГИ СИЁСИЙ МАХБУСЛАРНИНГ АҲВОЛИГА ДОИР

ТЕҲРОН, 4 июль. (ТАСС). «Дун'ё» газетасининг хабар беришича, сиёсий махбуслар яшаб турган Харг оролида мохов касаллиги тарқалган. Мохов касали юққан 8 киши Буширга олиб кетилган.

«Ҳозирги вақтда, — деб ёзади газета, — Харг оролида врачлар ва дорилармонлар йўқ, шу сабабдан мохов касаллиги оролдаги аҳоли ўртасида жуда тез тарқалаётир».

СССРда атом энергияси блан ишлайдиган биринчи саноат электростанциясининг ишга туширилганлигига доир

ПХЕНЬЯН, 4 июль. (ТАСС). «Нодон синмун» газетаси «Совет фанининг буюк муваффақияти» сарлавҳали бошмақоласида бундай деб ёзади: «Совет халқи буюк коммунизм қурилиши йўлида яна бир катта ғалабани қўлга киритди. Совет олимлари ва инженерларининг куч-ғайрати туфайли атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш имконияти ҳақиқатга айланди. Бу — совет фанининг янги буюк муваффақиятидир, жаҳон фани ва техникаси тарихида катта воқиадир. Атом энергияси кашф қилинганидан кейин империалистларнинг бутун кучи бу энергиядан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга қаратилди. СССРда атом энергияси асосида ишлайдиган электростанциянинг ишга туширилиши — Совет Иттифоқи юргизаётган тинчликсеварлик сиёсатининг ғалабасидир. Совет Иттифоқи атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишни изчиллик блан ёқлаб келди. Бу тинчликнинг агрессия устидан қилган ғалабаси, ақл-идрокнинг ваҳшийлик устидан қилган ғалабасидир».

НЕРУНИНГ БАЁНОТИ

ДЕҲЛИ, 3 июль. (ТАСС). «Индиан экспресс» газетасининг хабар беришича, Ҳиндистон бош министри Неру Ҳиндистон — Тибет чегарасидаги районда чақирилган оммавий митингда нутқ сўзлаб, ҳинд халқини миллий реконструкция ишида ҳамкорлик қилишга чақирган. «Биз, — деди Неру, — чет давлатларнинг молия ёрдамига қарам бўлиб қоладиган гадайлар эмасмиз».

СССР блан Англия командалари ўртасида халқаро шахмат мусобақаси бошланди

ЛОНДОН, 3 июль. (ТАСС). Бугун Лондонда Кэкстон-холл биносида Совет Иттифоқи блан Англия командалари ўртасида шахмат мусобақаси бошланди. Англия командасининг капитани халқаро мастер Голомбек мусобақани очиб, совет шахматчиларини самимий табриклади. Совет командасининг капитани гроссмейстер Керес совет шахматчиларини самимий кутиб олганликлари учун инглиз шахматчиларига ташаккур изҳор қилди ва совет шахмат секцияси номидан Англия командасининг капитанига «дўстлик кубоги» тақдим этди.

Москва вақти блан соат 16-30 минутда биринчи давра бошланди. Александер блан Смислов, Голомбек блан Бронштен, Уэйд блан Керес, Пенроз блан Авербах, Бродбент блан Геллер, Милнер-Бэрри Блан Петросян, Барден блан Тайманов, Фейрхерст блан Болеславский учрашадилар. Хотин-қизлар командаси составида Тренмер блан Бикова, Санноко блан Зворикина учрашадилар.

ЛОНДОН, 4 июль. (**ТАСС махсус мухбири**). Кеча СССР блан Англия командалари ўртасидаги шахмат мусобақасининг биринчи давраси бўлди. Совет шахматчилари командасида биринчи бўлиб хотин-қизлар ўртасида Совет Иттифоқи шахмат чемпиони Кира Зворикина ғалаба қозонди. У жуда усталик блан ўйнаб, энг кучли инглиз шахматчи хотин-қизларидан бири бўлган Н. Саннокени енгди. Гроссмейстер Бронштейн усталик блан сипоҳни қурбон қилди ва мураккаб курашда мастер Голомбекни енгди. Петросян Милнер-Бэррини, Авербах Пенрозни ва Болеславский Фейрхерстни ютди. Жаҳон чемпиони Елизавета Бикова кучли атака қилиб, Эйлин Тренмер устидан ғалаба қозонди.

Тўрт ўйин кечиктирилди. Александерга қарши ўйинда Смисловнинг ғоли баланд. Геллер Бродбентга ва Тайманов Барденга қарши бўлган ўйинда позиция жиҳатидан устунликка эришдилар. Уэйд блан Керес ўртасидаги ўйинда совет гроссмейстрининг битта ошиқча пиёдаси бор.

Мастер А. КОНСТАНТИНОПОЛЬСКИЙ.

Қанадада совет шахматчиларининг учрашуви

ОТТАВА.4 июль. (**ТАСС махсус мухбири**). 2 июльда совет шахматчиларининг Канадада иккинчи учрашуви бўлди. Совет гроссмейстерлари Виннипегда ўйнадилар.

Котов Канада чемпиони мастер Яновский блан учрашди. Совет гроссмейстери оқ доналар блан ўйнаб, эски ҳиндча ҳимоя усули блан ўйналган ўйинда ташаббусни қўлга олди ва марказий вертикаль бўйича кучли атака бошлади. Канада мастери Котовнинг ҳужумини қайтаришга ҳаракат қилиб, бир пиёдасини ютқазди ва қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, 69-нчи юришда таслим бўлишга мажбур бўлди.

Бондаревский Виннипег шахматчиларидан 35 кишига қарши бир йўла ўйин ўтказди. У 33 ўйинни ютди ва 2 ўйинни дуранг қилди.

Виннипег шахматчилари ва шаҳар жамоатчилиги совет гроссмейстерларининг шахмат ўйинларига ғоят қизиқиб қарамоқдалар.

Гроссмейстер И. БОНДАРЕВСКИЙ.

Жаҳон биринчилиги учун футбол мусобақаси

БЕРН, 4 июль. (ТАСС). Бугун Бернда жаҳон биринчилиги учун футбол бўйича финал ўйини бўлди. Венгрия блан Ғарбий Германия командалари учрашди. Кучли ёмғир остида ўтказилган бу ўйин 3:2 ҳисоби блан Ғарбий Германия командаси ғойдасига тугади.

Шундай қилиб, Ғарбий Германия футбол командаси футбол бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни Венгрия командаси, учинчи ўринни Австрия командаси, тўртинчи ўринни Уругвай командаси олди.

ЯПОНИЯДА ТАБИИЙ ОФАТ

ШАНХАЙ, 4 июль. (ТАСС). Японияндан олинган хабарларга кўра, кеча Кюсю оролининг ба'зи районларида яна кучли ёмғирлар бўлиб ўтган ва катта территорияни сув босган. Ёмғир натижасида 800 уй сув остида қолган ва беш кўприкни сув олиб кетган. 3 минг киши бошпанасиз қолган.



4-нчи июльда Тошкент шаҳар спорт ташкилотларининг VII комплекс спартакиадаси бошланди. Спартакиада спортнинг ўн тури бўйича ўтказилди.

Суратда: СССР спорт мастери **А. Макаров** (чапда) перекладинада машқ қилмоқда. Штанга кўтаришда Ўзбекистонда 4 та янги рекорд қўйган **Александр Петров** (ўнгда) рекорд оғирлигидаги 110,5 килограммли штангани кўтармоқда.

Б. Мазур фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тошкент ва Ашхабод спартакчиларининг учрашуви

Ўтган якшанба куни Тошкент «Динамо» стадионида «Б» классда ўйновчи футбол командаларининг мамлакат биринчилиги учун навбатдаги мусобақаси бўлди. Бунда Тошкент ва Ашхабод спартакчилари ўзаро учрашдилар.

Ўйиннинг биринчи ярми икки томоннинг ҳам кучли атака қилиши блан ўтди, лекин командалар ҳеч қандай натижага эришаолмадилар.

Ўйиннинг иккинчи ярмида меҳмонлар атакани янада кучайтириб, счет очишга муяссар бўлдилар. Шундан кейин тошкентлилар зўр активлик блан ўйнайбошладилар, ўз рақибларининг дарбозасига тез-тез атака қилиб турдилар. Меҳмонлар хатога йўл қўядилар, судья штраф қилади. Ўнбир метр масофага қўйилган тўпни тошкентли Мақсудов бир тепиб дарбозага киритади.

Ўйин янада кескин тус олади. Брод командаларнинг биронтаси ҳам счет миқдорини ошираолмайди.

Шундай қилиб ўйин 1:1 ҳисоби блан дуранг бўлди.

☆ ☆ ☆

Тошкент темир йўли мактабларида ўқучи ёш спортчилардан 160 киши енгил атлётика ва волейбол бўйича биринчилик учун уч кун мусобақа қилди.

Енгил атлётика ва волейбол бўйича биринчи ўринни Тошкент спортчилари олдилар.

Энг яхши енгил атлётикачилар, гимнастикачилар ва волейболчилар мамлакатнинг темир йўл транспорти мактаблари ўқучиларининг мусобақасида қатнашиш учун борадилар. Бу мусобақа 15 июльда Днепропетровск шаҳарида бўлади.

Студентларнинг ёзги дам олиши

Олий ўқув юртларида ёзги каникуллар бошланди. Июль-август ойларида студентлар мамлакатнинг турли шифохоналарида дам оладилар, «Наука» ва «Урожай» кўнгилли спорт жамиятларининг альпинистлар лагерьларида бўладилар, туристик походлар, саёҳатлар ва экскурсиялар ташкил қиладилар.

Ленин номидаги Ўрта Осиё университети ва политехника институти, молия-экономика институти ва тўқимачилик институтларининг студентларидан биринчи группаси Кавказ ва Қримдаги марказий курортларга жўнаб кетди. Кўп студентлар ҳозирги вақтда маҳаллий санаторияларда ва дам олиш уйларида дам олмоқдалар. Маданият ходимлари касаба союзи республика Комитети йўли блан давлат социал страхованияга бюджети ҳисобига студентларга санатория ва дам олиш уйларига бориш учун бир мингдан кўпроқ путёвка берилади.

Ёз фаслида волейбол, баскетбол, шахмат бўйича оммавий физкультура мусобақалари ташкил қилинади. Каникул вақтида студентлар ёзучилар блан, олимлар, сан'ат усталари, ишлаб чиқариш новаторлари блан учрашадилар.

Чайковскийнинг „Мазепа" операси Алишер Навоий номли театр саҳнасида

Меҳнат Қизил байроқ орденли Ўзбек давлат опера ва балет театри улуғ рус композитори П. И. Чайковскийнинг «Мазепа» операсини саҳнага қўйди. 4-нчи июль куни операниг премьераси бўлди. Опера либреттосини А. С. Пушкин поэмаси асосида В. Буренин ёзган, спектакльни театрнинг бош режиссёри В. Г. Навроцкий постановка қилган.

Премьерада Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Н. Г. Гольдман дирижёрлик қилди. Спектакльни Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. А. Рифтин бадиий жиҳатдан безаган.

Спектакльда бош рольларни артистлардан Б. Бурд (Мазепа), Л. Винникова — Чернец (Мария), Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист К. Давидова (Любовь), Ўзбекистон ССР халқ артисти И. Есипов (Кочубей), артист Б. Альпер (Андрей) ва бошқа ўртоқлар ўйнадилар.

Опера томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Китоб савдоси ходимларининг муваффақияти

Шу йил 25 майдан 25 июньгача ўтказилган «Китоб ойлиги»да «Ўзбеккниготорг»нинг Тошкент область конторасиходимлари харидорларга намунали хизмат кўрсатдилар. Бу даврда областимизнинг шаҳар ва районларида меҳнаткашларга кўплаб бадиий, сиёсий, техникавий, илмий ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар сотилди. Шунингдек ҳархил корхона, клуб, маданият саройлари ва бошқа 20 га яқин муассасаларга китоб савдоси хизмати кўрсатилди.

«Китоб ойлиги» даврида область бўйича китоблар сотиш июнь ойи плани 118,5 процент қилиб бажарилди. Жойларда китоб сотучи ходимлардан Хўжаева, Аванесянц, Каримов, Мақсумов ўртоқлар меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатишда яхши натижаларга эришдилар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бўғ но) — 6/VII да **Юрак сирлари**, 7/VII да **Қутлуғ қон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 7/VII да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли — кеч соат 10 да **Биринчи қўлқоп**.

«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» —кеч соат 10 да **Мардлар майдони**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

СОБИР РАҲИМОВ номли — **Иван Грозний**.

«9-НЧИ МАЙ» — **Парм ибодатхонаси** (1-нчи серия).

ПУШКИН номли — **Запорожли Дунай ортида**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз соат 12, 2 ва 4 да **Қизил галстук**, кеч соат 6 ва 8 да **Дўстлик чўққиси**.

ДАВЛАТ ПРОЕКТ ИНСТИТУТИГА

доимий ишлаш учун: **проект бош инженерлари**, авто ва темир йўл қуриш ишларини уюштиришнинг проектини тузучи **архитекторлар, инженерлар, қурилиш старший инженерлари** ва **техниклари, водопровод** ва **иситиш ишига инженерлар ва техниклар, старший инженерлар, электрик, алоқачи, слаботочник, геолог ,гидрогеолог, топограф инженерлар** ва **техниклар**, русча **машинисткалар** ва русча **корректорлар**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, 1-нчи Май кўчаси, 85-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«КООПХИМЛАКОКРАСКА» АРТЕЛИ

давлат муассасалари, кооператив ташкилотлар ва ҳаваскор фотографлардан, ишлатилиб бўлган

ФИКСАЖ РАСТВОРЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Артель бу растворларни олиб келиш учун ўз идишини бериши мумкин. Адрес: Тошкент шаҳар, Шоир кўчаси, 58-нчи уй. Телефон-31-306.

ТОШКЕНТ КАРБОРУНД ЗАВОДИГА

конструктор инженерлар, механик инженерлар, обогатитель инженерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Театральная кўча, уй № 61-а, кадрлар бўлими, телефон — 36281 (11 ва 13-нчи трамвайнинг «Театральная кўча» остановкаси).

СССР химия саноати министрлигининг та'миот Бош бошқармасига

Туркманистон ССРдаги проднаб-ларда ишлаш учун

старший бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 8 Март кўчаси, 8-нчи уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 оркали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 00541. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1386.